

**С. Қ. Қосимов, Г. Қосимова, Н. С. Қосимова.**

**УЛУҒ ОДАМЛАРНИНГ СЎНГГИ  
КУНЛАРИ**

Тошкент- 2005

## МУНДАРИЖА

|                                    |        |
|------------------------------------|--------|
| 1. Кириш.....                      | 3 бет  |
| 2. Сукрот.....                     | 5 бет  |
| 3. Искандар Зулкарнайн.....        | 5 бет  |
| 4. Спитамен.....                   | 8 бет  |
| 5. Гай Юлий Цезар.....             | 9 бет  |
| 6. Муқанна.....                    | 10 бет |
| 7. Кардинал де Ришелье.....        | 11 бет |
| 8. Абу Али ибн Сино.....           | 13 бет |
| 9. Амир Темур.....                 | 14 бет |
| 10. В.И.Ленин.....                 | 17 бет |
| 11. Максим Горький.....            | 21 бет |
| 12. И.П.Павлов.....                | 22 бет |
| 13. В.М.Бехтерев.....              | 23 бет |
| 14. Й.Охунбобоев.....              | 24 бет |
| 15. Л.Д.Троцкий.....               | 25 бет |
| 16. И.В.Сталин.....                | 27 бет |
| 17. Л.И.Брежнев.....               | 30 бет |
| 18. Х.Бойқаро.....                 | 31 бет |
| 19. Ш.Рашидов.....                 | 33 бет |
| 20. Ф.Хўжаев.....                  | 35 бет |
| 21. А.Икромов.....                 | 37 бет |
| 22. У.Юсупов.....                  | 38 бет |
| 23. Чўлпон, Фитрат, А.Қодирий..... | 40 бет |
| 24. Пётр 1.....                    | 42 бет |
| 25. Николай П.....                 | 44 бет |
| 26. С.М.Киров.....                 | 45 бет |
| 27. Н.Пирогов.....                 | 47 бет |
| 28. А.Навоий.....                  | 48 бет |
| 29. Ҳ.Олимжон.....                 | 50 бет |
| 30. Ҳ.Ҳ Ниёзий.....                | 51 бет |
| 31. А.С.Пушкин.....                | 53 бет |
| 32. М.Улуғбек.....                 | 53 бет |
| 33. З.М.Бобур.....                 | 57 бет |
| 34. М.Ю.Лермонтов.....             | 59 бет |
| 35. Нодирабегим.....               | 61 бет |
| 36. А.П.Чехов.....                 | 62 бет |
| 37. А.Гитлер.....                  | 63 бет |
| 38. Л.Н.Толстой.....               | 66 бет |
| 39. Чингизхон.....                 | 67 бет |
| 40. Ж.Мангўберди.....              | 71 бет |
| 41. Хожимуқон.....                 | 73 бет |
| 42. Темур Малик.....               | 76 бет |
| 43. Наполеон.....                  | 78 бет |
| 44. А. Линкольн.....               | 80 бет |

|                       |        |
|-----------------------|--------|
| 45. М. Фрунзе.....    | 82 бет |
| 46. Н.Крупская.....   | 84 бет |
| 47. Кеннеди.....      | 84 бет |
| 48. Эдуард II .....   | 86 бет |
| 49. Людовик ХУ1.....  | 88 бет |
| 50. И.Грозный.....    | 89 бет |
| 51. Амир Олимхон..... | 90 бет |
| 52. Ю.Гагарин .....   | 92 бет |

## КИРИШ.

Одамлар ўзларини англаб, тушуниб етгандан бошлаб, абадий душманлари бўлган ўлим устидан қачон бўлмасин албатта ғалаба қозониш усуллари топилишига ишониб келганлар.

Файласуфлар ўлим ҳам ҳаёт сингари табиёлигини одамларга тушунтиришга уриниб, унга қарши курашишдан фойда йўқлигини таъкидлаганлар. Дунёда мавжуд бўлган барча динлар қайси усулда бўлмасин, бир тушунчани – ўлимдан сўнг бошқа ҳаёт мавжудлигини инсонлар онгига сингдиришга ҳаракат қилишади. Шунга қарамасдан, ҳамма давр кишилари ёруғ дунёда инсонларни ўлимдан қутқариш муаммоларини ҳал қилишга уриниб келмоқдалар.

Қаҳрамонлар ҳақидаги Шумер халқ достонида Гилгамиш исмли йигит дўстининг ўлиmidан сўнг, инсонга доимо навқирон ёшлик бағишловчи сирли гулни излаб, қийин ва хатарли сафарга отланади. Аммо, у сафардан қайтиб келмайди. Қадимга хинд ҳикояларида ҳам дарахт шираси киши умрини ўн минг йилгача узайтириши мумкинлиги айtilган. Рус маталларида эса ҳаёт(тириклик) суви ҳақида маълумотлар бор.

Достон ва ҳикояларга ишонган Хитой императори Цин Шихуанди милоддан олдинги учинчи асрда ўлмас одамлар оролини излаб топиш учун катта экспедиция ташкил қилган эди. Экспедиция Тинч океани кенгликларида дараксиз йўқолиб кетди.

Колумб томонидан Америка кашф қилинган, испаниялик бадавлат киши Пансе де Леон ер остидан отилиб чиқаётган ва қарияларни яшартирувчи сеҳрли булоқни излаб, бир неча кема билан Америка сари жўнади. Булоқ топилмайди, лекин Янги ер кашф қилинади. Унга Флорида деб ном қўйишади. Испан қироли хизмати эвазига де Леонни Янги ерга губернатор қилиб тайинлайди.

Қадимги алхимикларнинг қўлёзмаларида ўлимга қарши доимий ҳаёт дориси тавсия қилинган. Дорини тайёрлаш учун эса ўн минг йил яшаган

бақани ва ўн минг йил яшаган кўршапалакни тутиб, сояда қуришиб, майдалаб, талқон қилиб, ичиш буюрилган.

Вақти келиб, ўлимни бартараф қилиш муоммаси билан олимлар шуғулланадиган бўлди. Ҳаёт курашдан иборатдир. Бу курашнинг ҳар хил кўринишлари бор. Уларнинг орасида энг муҳими ғоявий кураш, яъни инсонларни руҳан итоат эттирмоқликдир. Шунинг учун ҳам сарвари коинот бўлмиш Пайғамбаримиз алайҳиссалому вассалам ўзи яшаган даврнинг ўн йилини арабларнинг рўҳини итоат эттирмоқ ва Пайғамбарликлари ҳақ эканликларига ишонтирмоқ, демакки, иймонга даъват этмоқ учун сарф этдилар. Иймон – Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига, охират кунига, тақдирга, унинг яхшилик ёхуд ёмонлиги Аллоҳнинг иродаси билан бўлажасига, ўлгандан сўнг қайта тирилмоқ муқаррар эканлигига дилдан ишонмоқдир.

Ислом динининг таълимотларига кўра, ўткинчи (дорул фано) ва абадий (дорул бақо) дунёлар мавжуд. Ўткинчиси Ер юзидаги ёруғ дунё бўлиб, абадий дунё – Ер қаъридаги, у дунёдир. Инсон дорул фанодан кўз юмгач, дорул бақога рихлат қилади. У гуноҳсиз бўлса, яъни Исломнинг беш фарзи: иймон, намоз, рўза, закот ва ҳаж амалларига риоя қилган бўлса, жаннатдан жой олади, акс ҳолда дўзах ўтида куяди. Хуллас, инсоннинг умри ўлим билан яқунланади. Ўлимнинг сабаблари: қарилик, касаллик, транспорт ҳалокати ва табиий офатлардан иборатдир.

Ёруғ дунёда инсоннинг қанча яшаши номаълум. Кишилиқ жамиятида бирор инсон йўқ-ки, неча ёшга кириб ўларини билса. Бу ҳам бўлса табиатнинг инсонга ато қилган неъматидир. Зеро, киши умрининг охирини аввалдан билса, кўрқув, ғам-ғусса азобида янада тезроқ ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

Биз қуйида кишилиқ жамиятининг ривожланишига хизмат қилган, номлари тарихдан муносиб ўрин олган улуғ зотларнинг турли сабабларга кўра ёруғ дунёдан кўз юмганликлари ҳақида сўз юритамиз.

**СУКРОТ.** «Янги худолар»ни ўйлаб топганликда ва ёшлар ахлоқини бузганликда айбланган. Фалсафа диалектикаси асосчиларидан бири бўлган, қадимги Юнонистоннинг буюк файласуфи Сукрот кўча-қуйда софистлар (қадимги Юнонистоннинг сохта хулосаларга асосланувчилари) га қарши чиқиб, ёшларни буюк инсонлар даражасида тарбиялашни ўзига мақсад қилиб олганди. Бундан икки ярим минг йил аввал, Афина суди уни заҳар ичиб ўлишга ҳукм қилади.

Файласуф ўлими олдидан уни кўриш учун келган кишиларга, «Мени холи қўйинглар, ювиниб олай, токи аёллар жасадимни ювиб ўтиришмасин» деди ва кечкурун эса заҳар ичиб оламдан кўз юмди. Бу ходиса Афина бош майдонининг марказидаги қамоқхонада содир бўлган эди.

**ИСКАНДАР ЗУЛҚАРНАЙН.** Подшо Файлакус (Филипп – II)нинг ўғли. Аристотелнинг қўлида тарбия топиб, эрамиздан аввалги 336 йилдан Македония подшоси бўлган. 334 йили Гранике яқинида эронийлар устидан ғалаба Қозонгач, 333 йили Иссени, 331 йили Гавгамеллахни истило қилиб, Ахеменидлар подшолигини ўзига бўйсиндирди.

329 йили Марказий Осиёга бостириб кирди ва Инд дарёсигача бўлган ерларни ишғол қилди. Искандар илк бор дунё миқёсида қадимий империяни барпо қилган. Аммо уни худудининг катталиги ва мустаҳкам ички боғланишлар бўлмаганлиги сабабли, Искандарнинг вафотидан сўнг империя парчаланиб кетди.

Тарихий манбаларда таъкидланганидек, Искандар – Александр аслида македониялик бўлсада, Шарқ халқлари Румни яхши билганликлари сабабли, Грецияни Юнон ўлкаси деб аташган. Юнон билан Румни эса бир давлат деб тушунганлар. Шунга кўра Искандар гоҳ Юнон подшоси дейилса, баъзи бир ўринларда Рум ҳукмдори деб юритилади.

Искандар Зулқарнайн деганда, асосан икки шоҳли Искандар, деган тушунча англашилади. А. Навоийнинг ёзишига Зулқарнайн Искандарнинг лақаби бўлиб, бу сўз «икки асрлик умр», деган маънони ифодалайди.

Халқ оғзаки ижоди намуналарига кўра, Искандар бутун жаҳонни эгаллаб олгач, унинг ушалмаган бирор орзуси қолмади. Фақат боқий умр кўриш нияти шоҳни кўп қийнади. Дардига малҳам топиш учун шоҳ «тириклик суви»ни қидириб узоқ сафарга отланади. Йўлда янгидан-янги шаҳарларни ишғол этган шоҳ жангларнинг бирида оғир ярадор бўлади. Энди у омон қолиш учун нима қилиб бўлсада тириклик сувини топиши лозим эди. Сувнинг қаердалигини кўп сўраб-суриштиришса ҳам унинг дараги чикмайди. Дайдиб юришдан чарчаган Искандар ўз вазирлари Хизр ва Илёсга «тириклик суви»ни топиб келишни буюради. Вазирлар йўл юрса ҳам мўл юриб, охири тириклик сувини топишибди.

Сўнгги ниятига ҳам эришган Зулқарнайннинг боши осмонга етиб, вазирларига қимматбаҳо ҳадялар тортиқ этади. Тириклик сувини ичмоқчи бўлган пайтида эса, унга аввал шоҳ бўлиб ўтган, бу сувини ичиб, кўп асрлар, яшаб, оқибатда хору-зор бўлиб, ўлимнинг чорасини тополмай юрган бир чол учраб қолади. У бошидан ўтган азоб-уқубатларини айтиб, Искандарга «тириклик суви»ни ичмасликни маслаҳат беради. Искандар бир оз ўйланиб туриб, тириклик сувни тўкиб ташлайди.

«Қобуснома»да қайд этилишича, Искандар ўлимидан олдин васият қилиб: «Мени бир тобутга қўйинг ва тобутнинг бир тарафини тешиб, ул тешиқдан илкимни чиқариб, кафтимни очинг. Ундан сўнг тобутни кўтаринг, то барча ҳалойиқ кўрсунларки, гарчи бутун жаҳон мамлакатин олмишман, ammo охири ҳоли (бўш) илик (қўл) била жаҳондин борурман».

Умуман, бу фикр тарихий асосга эга. Александр Македонский ўлим билан олишиб ётганда, «Наҳотки ўлиб кетсам, забт этган мамлакатларим, лашкарларим кимга қолади, уларнинг ҳоли нима кечади. Йиққан давлатларим нима бўлади» деган экан.

Шундай қилиб, жаҳонгир Искандар Зулқарнайн, оғир хасталик (яраланиш) оқибатида, ўз юртига қайтар экан, Домган вилояти яқинида, 33 ёшида вафот этди. Уни жасадини учта қайрағоч тагига дафн этилган.

Бошқа манбаларда эса милоддан аввал 323 йил 13 июнда у безгак касаллиги билан оғриб, 33 ёшида вафот этади.

**СПИТАМЕН.** Хурлик ва эрк учун, халқ бахт-саодатли йўлида Искандар Зулқарнайн зулмига қарши курашган Марказий Осиёнинг маҳаллий халқ фарзанди – суғдлик Спитамен озодлик йўлида жонини фидо қилган қахрамонлардан биридир.

Искандар Эроннинг асосий вилоятларини босиб олгач, милоддан аввалги 329 йилнинг баҳорида Ҳиндиқуш тоғидан ошиб Марказий Осиё ҳудудларига кириб келади. 327 йили Марказий Осиёни батамом ўзига бўйсундиради.

Искандар Марказий Осиёни босиб олиш даврида маҳаллий халққа оғир зулм ўтказди, қанчадан-қанча шаҳарлар вайрон қилинди, юз минглаб ерли халқ қулга айлантирилиб, дунё бозорларида сотилди, юз минглаб одамлар кириб ташланди. Беҳисоб моддий бойликлар талон-тарож этилиб, ерлар сув ўрнига қон ичди, турар жойлар, боғу-бустонлар ёндирилиб, кўли кўкка соғурилди.

Марказий Осиёнинг эрксевар ва озодликка интилувчи мард ва жасур халқлари бундай зулмга ва келгинди душманларга қарши курашга отландилар. Босқинчиларга қарши умумий халқ урушини эълон қилган бақтрияликлар, суғдиёналиклар ва скифлар уч йил давомида душман билан мардонавор жанг қилдилар.

Искандар Хўжанд қаъласига келган пайти, Самарқандда унинг лашкарларига қарши Спитамен бошчилигида кўзғолон кўтарилиб, Искандарнинг у ерда қолдирилган Макадема қумондонлигидаги 3000 пиёда 800 отлик қўшинлари кириб ташланади. Ана шу пайтдан эътиборан Искандар учун Спитамен даҳшатли кучга айланди.

Спитамен жисмонан бақувват, жасур, мард ва тадбиркор одам эди. Қўлга тушмас Спитамен душман кутилмаганда, ҳали у ерда, ҳали бу ерда пайдо бўлар ва македонияликларга офат ва талофат келтирарди. Спитамен



душманга ўрмонда дам олиш вақти, дарёдан кечиб ўтиш пайти тасодифан хужум қилиб, уларни қириб ташларди. Унинг жангчилари чакқон, отлари чопқир эди.

Спитамен бошчилигидаги халқ қасоскорлари харакати ўлка халқлари орасида мустаҳкам бирлик, ҳамқорлик ва иттифоқнинг бўлмаганлиги, душман томонига ўтган баъзи кўрқоқ ва хоинларнинг сотқинлиги туфайли мағлубиятга учради. Аммо, Спитаменни бартараф этиш, Бактрия ва Суғдиёгани эгаллаш Искандар учун осон кечмади.

Спитамен фожиасига сабаб бўлган сотқинлардан бири унинг хотинидир. Ҳориб чарчаган Спитамен ширин таом ва шароб таъсирида каттиқ уйқуда кетганида хотини пинҳона келиб, қиличи билан Спитаменнинг бошини кесиб ташлайди. Эрининг қонга беланган калласини бу жиноятда ўзига шерик бўлган кулга беради ва македон қўшинлари жойлашган қароргоҳга келиб, Искандарга муҳим хабар олиб келганлигини, бу хабарни шоҳга шахсан ўзи етказиши лозимлигини айтади. Искандар бу мудҳиш воқеадан огоҳ бўлиб, ғазаб отига минди.

Искандар Спитамен билан яккама – якка жангда олишиш ниятида эди. У жаллод хотинни қароргоҳдан ташқарига ҳайдаб юборишни, унга шерик бўлган кўлни ерли халқнинг энг оғир жазосига маҳкум этишни буюрди. Эрининг боши эвазига Искандардан катта мукофот олишдан умидвор бўлган хотин, хору-зорликда вафот этди.

**ГАЙ ЮЛИЙ ЦЕЗАР.** Рим диктатори, саркарда. У ўзининг сиёсий фаолиятини демократик гуруҳбозлар тарафдори сифатида ҳарбий мансабдор шахс лавозимидан бошлаган. Миллоддан аввалги 62 йили иттифоқдош давлат консули лавозимига сайланди. Кейинчалик Галл вилоятининг хокими лавозимига кўтарилиб, шу вилоятга қарашли Альпорти водийсини Рим ҳукумдорлигига бўйсиндирди.

49 йили армияга суянган ҳолда якка ҳукумронлик учун кураш бошлайди. Помпей ва унинг тарафдорлари устидан ғалаба Қозонгач, 49-45 йиллари хокимиятни ўз қўлига олади. Республикадаги энг муҳим

лавозимлар (диктатор, консул ва х.к.)ни ўз қўлига киритгач, шу давлатнинг якка ҳукмдори, диктатори бўлиб қолди. У «Галия жанги хотираси», «Фуқаролар уруши хотиралари» асарлари муаллифи, «Юлиан тақвими»ни жорий этган шахс ҳамдир.

Милоддан аввалги 44 йилнинг 15 март тонгида унинг хотини Кальпурни ёмон кайфиятда уйғониб, эрига кўрқинчли туш кўрганини айтади ва Цезардан шу куни уйдан чиқмасликни илтимос қилади. Хотинининг илтимосига кўра у сенатга бормасликка, сенат мажлисини бошқа кунга қолдиришга қарор қилади. Аммо республикачилар томонидан уюштирилган фитна иштирокчиларидан бири Цезарни бу фикридан қайтаради. У сенатга бормоқ учун йўлга чиққан вақти фитна ҳақида хабар бергани уйига одам келади. Эҳтиёткорлик билан бораётган Цезарга йўлда полвон учрайди. Полвон уни хатар кутаётганидан огоҳлантиради. Цезарь у билан ҳазиллашиб, йўлида давом этар экан, унга огоҳлантирувчи мактуб битилган қоғозни тутишади. Илтимослар кўплиги учун ҳукмдор хатни ўқимайди. Сенатга кириш пайти одат бўйича подшога қурбонлик беришарди. Шу куни қурбонлик қилинган жониворнинг эса юраги суғуриб олинганди. Сенат мажлисининг очилишини чўзиб ўтирмаслик мақсадида Юлий Цезарь бинога кирди. Мажлислар залининг пиллапоясидан кўтарилиш вақти асосий фитначилар - ака-ука М. Брут, Д.Брут ва Г.Кассилар томонидан қилич ва ханжар билан ўлдирилди. Бу пайтда у 56 ёшда эди.

**МУҚАННА.** Араб истилочилари зулмига қарши Мовароуннаҳрдаги энг катта қўзғолон 769 йилда бошланиб қарийиб 10 йил давом этди. Унинг раҳбари Хошим ибн Хаким номли шахс бўлиб, тарихий манбаларда қайд этилишича, унинг бир кўзи кўр, юзи хунук бўлгани боис ниқоб кийиб юрган. Шу сабабдан уни Муқанна деб аташган. У аввал Абу Муслим кўшинида кичик лашкарбоши, сўнгра вазирлик даражасига кўтарилди. Ижтимоий тенглик ва эркин ҳаётни тарғиб этган Муқанна ўзини Пайғамбар деб эълон қилиб, одамларни ўз орқасидан эргашишга даъват этади. Шу боис

уни халифа Мансур қамокқа олиб, Боғдод зиндонига ташлайди. Озгина вақтдан сўнг зиндондан қочган Муқанна Марвга келди ва 776 йилда халифага қарши кўтарилган кўзғолонга раҳбарлик қилди.

Муқанна Марвдан туриб Марказий Осиёнинг турли вилоят ва шаҳарларига ишончли одамларини жўнатади. Улар Муқанна ғояларини тарғиб қиладилар. Натижада Муқаннанинг ихлосманд одамлари кўпаяди. Никобдор кўзғолонга бевосита раҳбарлик қилиш учун Жайхун дарёсининг ўнг қирғоғига ўтиб, Кеш шаҳрига боради. Шаҳар яқинидаги тоғ тепасида жойлашган Сом қалъасини ўзининг мустаҳкам қароргоҳига айлантирди. Қисқа вақт ичида Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Шош, Фарғона водийлари халқлари ҳам кўзғолончилар тарафига ўтди.

Муқанна кўли остида тўпланган халқ ягона ғоя, мақсад яъни, босқинчи арабларни она Ватан тупроғидан ҳайдаб чиқариш, эрк ва озодлик учун кураш олиб бордилар.

Муқанна кўзғолонидан даҳшатга тушган халифа Абу Жаъфар унга қарши 10 минг кишилик қўшин юборади. Лекин Самарқанд остоналарида араблар енгилгач, ёрдамга келаётган қўшин ҳам Термиз яқинида талофатга учради.

Ўлкамиз халқларининг эрк, хуррият, ҳақ ва адолат учун араблар зулмига қарши ўн йилга яқин давом этган курашини Абу Жаъфар вилоятлар ҳокимлиги кучларини бирлаштириб, бошқа халифаликлардан ёрдамга чақирди. Зодагон ва оқсуякларни, маҳаллий бой-феодалларни ўзига қаратиб, қўшинларига бераҳм ва шавқатсиз қумондонлар тайинлаган ҳолда бостиришга киришди. Яна Самарқандда Муқаннанинг ишонган саркардаларидан бири Суғдиённинг ўлдирилиши, саркардалардан Кабзамнинг 3000, Сарҳамнинг 3300 кишилик қўшин билан сотқинларча арабларга таслим бўлиши кўзғолоннинг бостирилишини осонлаштирди.

Тарихчи Таборийнинг ёзишича, Муқанна ўз халокатининг муқаррарлигига кўзи етгач захар ичган. Сом қалъасига кирган араблар унинг жасадини топганлар ва бошини кесиб ўша даврда Ҳалабда турган

халифа Махдийга олиб борганлар. Беруний маълумотига кўра, Муқанна 785 йилда оламда ўтган.

Муқанна кўзғолони енгилган ва ҳалокатга учраган бўлсада, «Оқ кийимлилар» ҳаракати яна бир неча ўн йиллар мобайнида давом этиб, истилочи араблар тинкасини қуришиб борган.

**КАРДИНАЛ де РИШЕЛЬЕ (1585-1642).** Кардинал (энг юқори рухонийлик лавозими), қирол маслаҳатчилари уюшмасининг бошлиғи (яъни қирол Людовик XIII нинг биринчи вазири). Унинг даврида давлат бир кишининг чексиз ҳукмронлиги остига ўтди. Ришелье гугенотларни сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилди. Давлатда маъмурий, молиявий ва ҳарбий ислохотлар ўтказди. Феодаллар исёни ва халқ кўзғолонларини шавқатсиз бостирди. Францияни ўттиз йиллик урушга тортди (1618-48 йиллар).

Ришелье ўз даврида мустабид ҳоким, Франция давлатининг қонхўр подшоси бўлган. Ҳар куни оммавий қатллар ўтказиш ўша давр учун оддий ҳолга айланган эди. Ўлдирилган одамларнинг калласи кесилиб, найза ва таёқларга санчилар ва шаҳар бўйлаб кўтариб юрилар эди. Кардинал 57 ёшида юрак хасталигидан Париж шаҳрида вафот этгач, халқ енгил тин олди.

Ришельенинг золим ва қонхўрлиги хўрланган халқнинг кейинги авлодларини ҳам тинч қўймади. 1793 йил 5 декабрда ғазабланган парижликлар тўдаси Сарбон черковига бостириб кириб, 151 йилдан буён тинчгина мангу уйкуда ётган кардинал де Ришельенинг тобути устидаги хайкалтарош Жирардо ясаган хайкалчани синдиришади ва тобутни очадилар. Мумиёланган жасадни бурдалаб, калласини узиб, кўчада уйнаб юрган болаларга берадилар. Болалар каллани коптоқ қилиб тепиб ўйнайдилар. Одамлар ота-боболарини азоблаган «золим»нинг тобутини ҳам бузиб ташлайдилар. Улардан бири кардиналнинг қимматбаҳо узук тақилган бармоғини юлиб олади.

Болалар ўйинига кўча одамлари хайрон бўлиб қарашарди. Тепилган калла Башан деган одамнинг оёғи тагига бориб қолганида у каллани олиб

кочиб, кўп йиллардан сўнг Ришельенинг боши ва бармоғини император Наполеон III га беради. Император 1866 йили 15 декабрда Сарбон университети черковида кардиналнинг калласи ва бармоғини ниҳоят тобутга солдирди.

**АБУ АЛИ ИБН СИНО.** Донишмандлар султони. Ибн Сино жаҳон фани таракқиётига ўлкан ҳисса қўшган буюк сиймолардан бўлиб, унинг илмий ишлари ўша давр фани таракқиётининг энг юқори чўққисини ташкил этган. Ибн Сино 17 ёшидаёқ Бухоро халқи орасида мохир табиб сифатида донг таратди. Сомонийлар давлатининг подшоси Нух ибн Мансурни ҳам даволайди. Ибн Сино қомусий олим сифатида бошқа фанларни ҳам чуқур ўрганган. Мантиқ, тиббиёт, табобат, фалсафа фанларини мукаммал ўзлаштирган эди. Биринчи йирик асари «Ал-хикмат ал арўзик»ни 1000-1001 йиллари Бухорода ёзади.

Бухоро Қорахонийлар қўлига ўтгач (999) Ибн Сино Хоразмга боради. Хоразмшоҳлар Али ибн Маъмун ва Маъмун ибн Маъмунлар даврида Урганчга олимлар оқиб келарди. Ибн Сино ҳам Маъмун академиясида ижод қилди. 1010-1011 йилларда аввал Хуросон, сўнгра Журжонга бориб илмий фаолиятини давом эттирди. Бу ерда «Тиб қонунлари»нинг биринчи китобини ёзади. 1014 йил Рай, Казвин шаҳарларига, сўнгра Ҳамадонга келади ва сарой табиби, сўнгра вазирлик мансабига кўтарилади. 1023 йили Исфохонга кўчиб, бошқа асарлар қаторида «Китоб аш-шифо»ни ёзади.

Ибн Сино жисмоний жихатдан бақувват бўлишига қарамасдан, шаҳарма-шаҳар дарбадарликда юриш, доимо таъқиб остида бўлиш, хатто хибсда ётиш, кечалари ухламасдан узлуксиз ишлаш соғлиғига салбий таъсир қилган эди.

У қўланги (колит) касаллигига чалиниб, дарди зурайгач, уни тутканок ҳам тутадиган бўлди. Дардига тезроқ даво қилмоқ учун ўзини-ўзи даволар, хукна (клизма) қиларди. Бир кун хукна қиладиган нарса ичига икки данак карафс (селдерий) уруғини қўшишни буюради. Табиблардан бири 30 баробар кўп қўшади, шундан сўнг ичак шилиниб ярага айланади.

Тутқанокқа қарши афюн кўшилган микридат дорисини ичади. Табиб дорига кўп афюн кўшиб беради. Бунинг сабаби даволовчи табиблар олимга кўп маротаба хиёнат қилган, ҳақини еган эди. Унинг сирдан вокиф бўлмай тезроқ ўлишини истар эдилар. Олимнинг дарди кундан кунга оғирлашади. Ўлишини сезган бемор даволанишдан воз кечади. Оқибатда 1037 йилнинг июнида, 58 ёшида Ҳамадонда кўланги касалидан вафот этади.

**АМИР ТЕМУР**. Буюк давлат арбоби, марказлашган давлат асосчиси, фидоий ватанпарвар, қонунчилик ва адолатга таянган ҳукмдор, халоскор, саркарда, илм-фан, маданият хомийси. Ўзининг даҳо қобилияти, элу-юртига буюк мухаббати, шижоати ва садоқати билан янги даврнинг яратувчиси, асосчиси сифатида майдонга келди. Соҳибқирон Амир Темур Ватанимиз тарихида буюк сиймо сифатида ўчмас из қолдирди. Халқимиз муғуллар истилосидан кейинги 150 йил мобайнида бирин-кетин ҳукмдор бўлган 32 хоннинг зулмидан азоб чеккан, феодал урушлардан ҳисобсиз жабрлар кўраётган пайтда Амир Темурнинг ҳукумронликни қўлга олиши мамлакат тарихида янги даврни бошлаб берди.

1370 йилдан Амир Темур Марказий Осиё халқларини бирлаштириш ниятида ягона давлат барпо этгач, Самарқанд шаҳрини пойтахтликка танлайди. Темурнинг даврида Самарқанд шоир ёзганидек «рўйи замин сайқали»га айланди. Амир Темур моҳир саркарда сифатида Олтин Урдани ўзига буйсиндирди. Эрон, Кавказ орти, Ҳиндистон, Кичик Осиё ва бошқа давлатларга юриш қилиб мислсиз ғалабалар Қозонди. Дунё узлуксиз босқинчилик урушлари гирдобида яшаётган ўрта асрларда ўзининг заковати, мардлиги, шижоати боис ҳудудий жихатидан ягона, ўлкан давлатни яратиши ва уни ақл-идроқ, тадбиркорлик ва адолат билан бошқариши ўша давр учун мислсиз ходиса эди. Шу даврда халқимиз маданияти, илм-фани тараққиётининг ривожини учун шароит яратилди.

Соҳибқирон давлат барпо қилиш билан бирга кадр танлаш масалаларини етти ўлчаб бир кесган ҳолда амалга ошириши, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришга хомийлик қилиши, иқтисодиётни

бошқаришдаги оқилона усуллари, шунингдек, харбий билимлари ватаннинг тинч-тотувлигига, гуллаб-яшнашига асос бўлди. Бунёдкорлик борасидаги қобилияти ва заковоти ҳам улуғ бобомизни яна бир бор дунёга машхур қилди. Соҳибқирон ҳақида Европада 500 та, Шарқ мамлакатларида 900 та асар ёзилган. Амир Темур ўзига тобе бўлган давлатлардан олимларни, тадбиркорларни, уста-хунармандларни давлат маркази бўлган Самарқандга йиғди. Уларнинг ижодий бунёдкорлиги шаҳарни етти иқлимга машхур қилди. Хорижлик элчилар шаҳарнинг гўзаллиги, биноларнинг маҳобати олдида лол қолганлар. Амир Темурнинг «Бизнинг куч-қудратимизга шубҳангиз бўлса, қурдирган иморатларимизга боқинг» деган сўзлари ҳамон машхур. Соҳибқирон аёлларни улуғлаган, зиёлиларни эъзозлаган, савдога катта эътибор берган.

Ватан мустақиллиги, халқнинг эрки ва озодлиги, адолатнинг барқарорлиги учун курашган Соҳибқирон Ўтрор шаҳрида Хитойга юриш қилиш олдидан совуқда сочини олдириб, бошини қаттиқ шамоллатиб, зотилжам (ўпка яллиғланиши) касаллигига йўлиқади. Бу воқеа шундай содир бўлган эди. У 1405 йил январ ойида 200 минг кўшин билан Хитойга юриш қилиб йўлга чиқади. Шу йили қиш жуда қаттиқ келганди. Туфласа, тўпик ерга тушгунча музларди. Кўшин Тошкентга етгунча, кўпларининг бурун, қулоқ, кўл-оёқларини совуқ уради. Йўлда Амир Темур ҳам шамоллаши натижасида Ўтрор шаҳрига тўхташади. Шаҳар хокими Бердибекнинг қалъасига тўшади. Сирдарё бир метр қалинликда музлаган, шаҳар атрофдаги қорни қалинлиги икки камон ўқига тенг эди. Жосусларнинг хабарига кўра, кўшин ҳаракат қилолмайди. Кун сайин Амирнинг дарди оғирлашиб, алаҳсирай бошлайди. Давлатни бошқариш ҳақида Сароймулкхоним (Бибихоним) ва яқинларига васият қилади.

Уни ўша замоннинг машхур табиби Мавлоно Фазлуллох Табризий даволаган. Шунга қарамай, у 1405 йили 69 ёшида Ўтрор шаҳрида вафот этди.

**ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН.** К. Маркс ва Ф. Энгельс революцион таълимотининг давомчиси. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ташкилотчиси, Совет социалистик давлатининг асосчиси, бутун дунёдаги коммунистик харакат аъзолари уни ўзларининг доҳийи деб биладилар.

Владимир Ульянов – Ленин 1887 йил гимназияни битириб, Қозон университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга киради. Талабаларнинг революцион йиғинига қатнашгани учун талабалар сафидан чиқарилади. 1888 йили Қозондаги марксистик тўғараклардан бирига киргач, 1893 йилда Петербургда марксистик тўғаракка қатнашиб, тез орада тўғарак аъзоларининг ишончини Қозонди. Дастлабки асарларидаёқ ишчи партиясини тузиш зарурлиги асосларини кўрсатиб берди. Шу асосда Петербургда «Кураш иттифоқи» тузилади. Аммо 1895 йилнинг охирида камалиб, сургун қилинди. Сургунда у ўттиздан зиёд асар ёзиб, Надежда Крупскаяга уйланди. 1898 йилда партиянинг 1 съезди бўлиб, Россия социал-демократик ишчилар партияси (РСДРП) тузилди. Ленин, шунингдек 1900 йилда чет элда чиққан «Искра» газетасига раҳбарлик қилди. Янги типдаги партия учун курашда Лениннинг «Нима қилмоқ керак» деган китоби катта аҳамиятга эга бўлди. 1903 йил РСДРП нинг 2-съезди бўлиб ўтади. Бунда болшевиклар партияси вужудга келди. Партия 1905-07 йиллардаги биринчи рус инқилоби даврида оммага раҳбарлик қила бошлади. 1910 йил Ленин ташаббуси билан Петербургда «Звезда» газетаси нашр қилиниб, ишчи ва камбағал дехқонларнинг бирлаштирди, кўзғолонга тайёрлади ва раҳбарликни ўз қўлига олди. Кўзғолон 1917 йил 7 ноябрда ғалаба Қозониб, инсоният тарихида янги - социалистик давлат тузилди.

1918 йил 30 августда Михельсон заводи ҳовлисида Владимир Ильич Ленин митингда нутқ сўзлаб чиқаётган пайти эсер аёл Ф.Е. Каплан тўппончадан ўқ ўзиб, уни оғир ярадор қилади. Ленин тиниб-тинчимас одам бўлганлиги сабабли ҳам, яралари тузалгач, яна кечаю-кундуз ишга берилиб кетади. Шифокорларнинг узок муддат дам олиш зарурлиги ҳақидаги кўрсатмасига ҳам қулоқ солмайди.



1911 йили Ленин Парижда Инесса Арманд деган аёлга хуштор бўлиб колганди. У эрдан ажралган, иккита боласи бўлиб, Ленин хориждаги кўв\инликдан Россияга келгач, Армандни партиянинг Марказий Кенгашининг аёллар бўлимига рахбар этиб тайинлади. Ленин билан Арманд ўртасидаги муносабатга Крупская қаршилиқ қилмади. Аммо тез орада 1920 йили Арманд ичбуруғ касаллигидан вафот этди. Бунга эшитган Лениннинг дарди оғирлаша бошлади. Касаллиги кўчайиб, 1922 йил 25 май куни дард биринчи бор хуруж қилади. Ишдан мутлоқ озод бўлиш ва яхши даволаниш натижасида кузга бориб соғлиғи тикланди ва октябрь ойидан яна ишга киришди. Ноябрьнинг охирида касали уни яна безовта қила бошлайди. Ишдан озод қилиниб, дам олади, даволанади. 1923 йил мартада касалликнинг иккинчи хуружидан сўнг бемор тилдан қолди. Ёз ойларида жисмонан бирмунча тузалгандек бўлсада, 1924 йил 21 январ куни аҳволи кескин ёмонлашади ва кечқурун, 54 ёшида, тасодифан жон таслим қилади.

В.И. Лениннинг жасади солинган тобут Горький шаҳарчасидан 23 январ куни Москвага келтирилгач, бош мияси очиб, текшириб кўрилди. Бунда бош мия артерия қон томирлари бутунлай ишдан чиққанлиги ва ўрта миянинг атериосклероз (мия қон томирларини торайиши) касаллиги мавжуд бўлганлиги аниқланди.

Унинг жасади Кенгашлар уйининг Колонна залига қўйилиб, 5 кун давом этган видолашув маросимидан сўнг Қизил Майдонда қурилган мавзолейга қўйилди.

Сўнгги вақтларда матбуотда эълон қилинган мақолаларда Ленинга уюштирилган суиқасднинг ташкилотчиси ва раҳбари Свердлов бўлган деган тахминлар ҳам илгари сурилмоқда. Бу тахминларда бир қадар асос бордай, назаримизда. Чунки, 1918 йилга келиб партиянинг икки раҳбари ўртасида рақобат ва келишмовчилик пайдо бўлиб, Свердлов Ленинни партиянинг умумий раҳбарлигидан узоқлаштириш ёки махрум қилиш бўйича режалар тузган экан. Шу сабабли Ленинни отган одамлар ўз яқинларидан бўлганлиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу тахминни асослайдиган қатор

сабаблар бор. Жумладан, 1918 йил 30 август куни Михельсон заводига Ленин соқчисиз келади. Заводда ҳам соқчилар бўлмади. Митингда бир соат нутқ сўзлагач, машинасининг ёнига келганда, унга орқа ва олдидан ўқ ўзиб, кўкрак ва елкасидан яралашади. Бир кўлида соябон кўтарган, иккинчи кўлида папка ушлаган, кўзи яхши кўрмайдиган ногирон аёл –Капланни тутиб, аввал Лубянкадаги ВЧК ертуласига, сўнгра Кремлга олиб боришади. Сўроқда, Каплан суиқасд ҳақида аниқроқ бирор гап айтолмайди. Свердловнинг буйруғига кўра Каплан 3 сентябр куни отилади ва жасади темир бочкага солиниб, устидан бензин кўйиладида, Кремль ёнидаги Александровский боғида куйдирилади. Воқеа юз берган куннинг тунида (31 августга ўтар кечаси) собиқ сул эсер, ВЧК отряди командирининг муовини Александр Протопопов ҳам дарҳол хибсга олиниб, отиб ўлдирилади. Бу эса Ленинга қилинган суиқасдга ВЧКнинг юқори мансабли одамлари ҳам алоқадор бўлганликларини кўрсатади. 1922 йилги операцияда ва 1924 йил жасадни мумиёлаш вақтида Лениннинг танасидан олинган икки ўқ хар хил калибрли бўлиб, икки хил тўппончадан отилгани ҳам буни исботлайди.

Яраланган Ленинни Кремлга олиб келишади. Унга СНК ишининг бошқарувчиси Бонч-Буриевичнинг шифокор хотини В. Величкина кўзатувида ҳакимлар ёрдам кўрсатишади. Оғриқни қолдирувчи морфин уколнинг биринчисини Величкинанинг ўзи қилади.

Ленин ҳакимлардан яраси ҳақида сураб, юрагига ўқ теккан-тегмаганлигини аниқлайди. Сўнгра худди ўз одамлари уни ўлдирмоқни бўлганликларини сезгандек, секингина «Нима қилишарди мени қийнаб, биратула ўлдириб қўя қолмайдиларми...» дейди ва гуё уйқуга кетгандек, бошқа гапирмайди.

Ленин Горкийда улуғ князь Сергей Александровичнинг собиқ қасрида дам олиб даволанган даврда, қаср теварагида байналминалчи жангчилар туну-кун соқчилик қилишарди. 1923 йилнинг изғиринли қаҳратон тунларидан бирида улар даҳшатли увиллашни эшитдилар. Бу овоз гуё уйнинг тагидан келаётгандек туюларди. Тун ярмидан оғиб қолган, осмонда

тўлин ой нур сочиб турарди. Милтиқ кулфларининг шақир-шуқур қилиб соқчилар овоз келаётган жойга яқинлаша бошлайдилар. Уларнинг назарида бўрилар хуруж қилган эди. Келиб қарашганда ҳеч ерда бўри кўринмайди. Биринчи қаватнинг ойнаванд равонида, юмшоқ курсида Ленин ўтирар, унинг устига пахталик гуппи, оёғига пийма этик кийиб олганди. У хориган юзини ойга тутиб, чўзиб-чўзиб увилларди. Гуё ёвуз рўх фазодаги биродарларига илтижо қилиб, уни ҳам ўзлари билан эркинликка олиб кетишларини ўтиниб сўрамоқда эди...

Ленин ўлгандан кейин жасадни ёриб кўрган шифокорлар унинг миясини ярми туғилгандан бери ишламаганини кўриб лол қолишди. Иккинчи ярми ҳам оҳаксимон тузилмалар билан қопланган экан. Шифокорлар бунақа мия билан инсон яшаши мумкин эмас, деган хулосага келишди.

**АЛЕКСЕЙ МАКСИМОВИЧ ГОРЬКИЙ** - рус ёзувчиси, социалистик реализм адабиётининг асосчиси. 1884 йил Қозонда илк бор марксистик адабиёт билан танишади ва инқилобий тўғаракка қатнашади. Илк ҳикояси «Макар чудра»(1892) «Кавказ» газетасида босилади. Янгича ижтимоий-сиёсий онгнинг шаклланиши, омма норозилигининг кўчайиши, яхши ҳаёт ҳақидаги уй-орзулар ёш адиб ижодида реализмнинг шаклланишида муҳим рол уйнаган. Шу боис ҳам у инқилобга даъват этувчи асарлар ёзди. Инқилобий ҳаракатда фаол қатнашиб, яширин нашриёт ташкил этди.

1899-1900 йиллари А.П. Чехов ва Л.Н. Толстой билан, 1905 йили В.И. Ленин билан учрашди, шу йили большевиклар партияси сафига кирди, инқилобий ҳаракатларда қатнашди. В.И. Ленин унинг «Она» романига катта баҳо берган эди. М. Горький инқилоб мавзусида талай ҳикоялар, очерклар, қисса ва рисоалар ёзди. Унинг ташаббуси билан «Жаҳон адабиёти» нашриёти, «Шоир кутубхонаси», «Ажойиб кишилар ҳаёти» каби китоб сериялари ташкил қилинди. Шуру ёзувчилари Бутуниттифоқ 1-съездининг ташкилотчиси ва ёзувчилар уюшмасининг раиси бўлди.

Умрининг охирида жуда кўп публицистик мақолалар ёзиб, катта ташкилий ва маданий, жамоатчилик ишлари билан шуғулланди.

Алексей Масимович Горький ўпка сили касаллиги туфайли тез-тез чет элга даволанишга бориб турарди. Унга кўпроқ маъқул келган жой Италиянинг Капри ороли бўлган. 1936 йили қаттиқ шамоллаш оқибатида ўпка сили касаллиги хуружга кириб, унинг асорати туфайли 68 ёшида, 18 июнь куни Москва шаҳрида оламдан ўтди.

1938 йил 2 мартда судланувчи Бухарин, Риков, Ягода каби собиқ давлат арбобларига М.Горький, В.Куйбишев, В.Менжинскийларнинг ўлдирилишининг иштирокчилари деб, айб қўйишади.

**ИВАН ПЁТРОВИЧ ПАВЛОВ**. Жаҳонга машҳур физиолог, олим. Олий асаб тизимининг фаолияти ҳақидаги таълимотининг, замонавий физиология мактабларининг асосчиси. СССР Фанлар Академиясининг академиги. Қон айланиш тизими ва овқат хазм қилиш органларининг физиологияси бўйича намунали (классик) асарлар яратган. Органлар фаолиятини амалий ўрганишда сурункали эксперимент усулларини жорий қилди. Павлов томонидан ишлаб чиқилган шартли рефлекс усуллари ёрдамида кишининг рўҳий ҳолатида бош мия пустлоғида физиологик моддий жараён рўй бериши аниқланган. Павловнинг олий асаб тизимси бўйича олиб борган илмий-тадқиқот ишлари (2-сигнал тизимси, асаб тизимсининг хиллари, органлар ва тизимлар марказининг жойлашиши, катта ярим шарнинг тизимли ишлаши қабилар) физиология, медицина, психология ва педагогика фанларининг ривожланишида катта рол ўйнади.

Иван Пётрович Павлов ўт пуфаги касаллиги (ўт пуфаги тоши) билан оғриб, бир неча йиллар даволаниб юради. Ҳаётининг сўнгги йилларида дард хуружи тез-тез такрорланиб турди. Кексалиги, қолаверса, мураккаб операциянинг таъсири сабабли улуғ олимнинг нафас ва юрак-томир фаолияти бузилиб, 1936 йили 87 ёшида Ленинград (ҳозирги Санкт Петербург) шаҳрида вафот этди.

**ВЛАДИМИР МИХАЙЛОВИЧ БЕХТЕРЕВ.** Дунё таниган олим, невролог, психиатр ва рўхшунос. Асаб тизимсининг анатомияси, физиологияси ва патологиясини урганиш бўйича йирик илмий мактаб яратди. Гипноз билан даволашни илмий асослаб берди. Физиология, анатомия ва психология методларини қўллаш усули билан мия фаолиятини ва киши шахсиятини аниқлашга эришди. Рефлекслар ҳақидаги фанга асос солди. Психоневрология ҳамда мия ва психика фаолиятини урганиш институтларини ташкил қилди ва уларга раҳбарлик қилди.

Владимир Михайлович Бехтеревни Сталиннинг соғлигини кўришга таклиф қилишади. У Сталинни текшириб кўргач, унинг рўҳий холати ўзгарувчанлигини аниқлаб, гумонсираш ва таъқиб қилиш руҳий касаллиги борлигини маълум қилади.

Эртаси куни эрталаб Бехтеревнинг уйига бир грузин йигит билан Лаврентий Берия совға сифатида Кавказ меваларидан ва виносидан олиб боришади. Вино заҳарланган эди. Олим винодан истеъмол қилгач, ундан заҳарланиб 1927 йили, 70 ёшида қазо қилади. Хатто шифокорларни ёрдамга чақиришга ҳам улгуришмайди. Берия олимнинг уйидан чиқиш пайти, уй хизматчиси бўлган кекса аёлга ўлим тафсилотини оғзингдан чиқарсанг, ўлик-тиригингни ҳеч ким тополмайди, деб қариянинг кўнглига даҳшат солиб кетади.

**ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОВ** . 1885 йили Маарғилонда аравасоз оиласида тўғилган. 1921 йилдан Коммунистик партия аъзоси. 1901 йилдан ишчи, чоракор. 1916 йилги Марғилон халқ кўзғолони иштирокчиси. Октябрь инқилобидан сўнг Марғилон Жайбозор қишлоғининг қишлоқ кенгаши раиси, 1919 йили - Марғилон уездида ташкил этилган «Қушчи» иттифоқи бошқармасининг раиси. 1920 йилда «Қушчи союз» Марғилон уезди-шаҳар кумитаси раиси ўринбосари.

1925 йилдан Ўзбекистон Марказий Ижроия Қумитаси раиси. 1926-27 йилларда ЎзССРда ер-сув ислохотини ўтказиш Марказий комиссиясининг

раиси сифатида жуда катта иш олиб борди. Коллективлаштиришда актив иштирок этди. ЎзССРда маданий инқилобни ўтказиш, мактаб ва клублар, кинотеатрлар ҳамда театр труппалари шахобчаларини кенгайтиришди, хотин-қизларни озодликка чиқариш учун курашда Охунбобоевнинг хизматлари катта эди.

1938 йилдан ЎзССР Олий Кенгаши Президиуми раиси ҳамда СССР Олий Кенгаши Президиуми раиси ўринбосари. Охунбобоев бир қанча сиёсий китоб ва рисолалар муаллифи ҳамдир. Ленин ва Меҳнат Қизил байроқ орденлари билан мукофотланган.

Халқ оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев умрининг сўнгги йилида меъда касаллиги туфайли қийналиб, доимо дори истеъмол қилиб юрарди.

Уни текшириш ва даволаш мақсадида Тошкентнинг харбий госпиталига ётқизишади. Ташхис қўйилгач, унга операция қилиш зарурлиги айтилади. Охунбобоев очиқ чехрали ва содда одам бўлганлиги сабабли, уни кўргани борган одамларга, бармоғи билан қорнига чизиб: «Мени пих-х қилишмоқчи», дер экан. Москвадан келган онколог-хирург Савитский уни операция қилади. Аммо бедаво дард, бедаволигича қолади. Собик шўролар даврида «Ўзбекистоннинг биринчи оқсоқоли» деб ном олган Йўлдош Охунбобоев 1943 йил феврал ойида, 58 ёшида ошқозон саратони (раки) касаллиги туфайли Тошкент шаҳрида вафот этди.

**ЛЕВ ДАВИДОВИЧ ТРОЦКИЙ**. 20 асрнинг бошларида ленинизмга – Ленин илгари сураётган ғояларга қарши бўлган сиёсий оқим вужудга келади. Унинг асосчиларидан бири Троцкий эди. Троцкий ишчилар харакатининг тактик ва стратегик масалалари юзасидан ҳам ленинизмга қарши фикрлар билдирди. У, пролетариатнинг янги типдаги партия атрофига жипслашиши зарурлигини, буржуазия демократик революциясида пролетариатнинг гегемонлик (етакчилик) ролини, ишчи-деҳқонларнинг бир-бирлари билан иттифоқ бўлишларини инкор қилади. Троцкийчилар бир давлатда социализм кўриб бўлмайди, деган фикрда бўлганлар. Шунингдек, касаба уюшмалари ўрнига меҳнаткашларга харбий усулда раҳбарлик

қилишни талаб қилишади. Ленинизмни тафтиш қилиб, троцкизм билан алмаштирмоқчи бўлишади, Марказий Қумита раҳбарлигини ўз қўлларига олишга ҳаракат қилишади. 1926-27 йиллари янги партия тузиш бўйича махфий режалар ишлаб чиқилади ва 1927 йили ВКП(б)нинг 15-съездида Троцкийнинг фикрлари Ленинизмга зид деб топилди ва 1928 йилда у давлатдан чиқариб юборилди.

1935 йилдан социалистик тузумга, партиянинг тутган йўлига, давлатни ва партияни бошқаришда Сталиннинг йўл-йуриғига қарши чиққан муҳолифат раҳбарлари устидан суд жараёнлари, аниқроғи ҳали дунё тарихида мисли кўрилмаган катағон бошланади. Жумладан, 1936 йил Москвада бўлиб ўтган суд жараёнида Л.Д. Троцкий сиртдан ўлим жазосига ҳукм қилинади.

Бу вақтда Троцкий Норвегияда яшаётган эди. Суд хабарини эшитгач, ўзини химоя қилишни сўраб Миллатлар Лигасига телеграмма ва мурожаатнома юборди. Оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилди, митинглар уюштиради. Унинг бу иши Норвегия ҳукуматига ёқмагани учун Троцкийга дархол давлатдан чиқиб кетишини талаб қилишади. Аммо ғарбий давлатларнинг биронтаси ҳам унга бошпана бергиси келмайди. Декабрь ойининг охирида Мексика давлати Троцкийни қабул қилишини айтди. 9 январда у хотини билан Мексикага келди ва бу ерда кенг қўламда ўз фаолиятини бошлаб юборди. Лекин жаҳон матбуоти ҳам, дунё мамлакатлари ҳам Троцкийга ва унинг фаолиятига унча эътибор беришмайди. Троцкий 4 чи, янги, интернационални ташкил қилиш билан шуғулланади. Бу вақтда эса Москвада троцкийчилар суд қилинади.

Сталин НКВД олдида Троцкийни жисмонан йўқ қилиш вазифасини қатъий қўйди. 1938 йил бошида Франциядаги касалхоналардан бирида муваффақиятли бажарилган аппендицит операциясидан сўнг Троцкийнинг ўғли Лев Седов вафот этди. СССРда унинг иккинчи ўғли Сергей қамоққа олинди ва тез орада ўлдирилди. Бутун лагерлар ва қамоқхоналар бўйлаб 20-

йиллардан буён троцкийчи бўлганларнинг ва унга хайрихоҳликда гумон қилинганларнинг ҳаммаси отиб ўлдирилади.

Троцкийнинг такдири ҳам фожиали эди. Сталиннинг жосуслари уни кузатиб юришарди. Бунга айрим Мексика коммунистлари ҳам ёрдамлашардилар. Койоаканадаги Троцкийнинг қасрга ўхшаш мухташам уйи яхши қўриқланарди. Кунлардан бирида мексикалик коммунист рассом Сикерос бошлиқ қуролланган гуруҳ Троцкийнинг уйини пулемётдан ўққа тутиб, қўриқчиларни қуролсизлантиришади ва хонадонни ишғол этадилар. Троцкий хотини билан қоронғи уйга яширинишади. Уй қоровулларига ёрдамга қўшимча куч етиб келгач, хужум қилувчилар чекинадилар. Шундан сўнг уй янада мустаҳкам қўриқланадиган бўлди.

Троцкийнинг яқинлари орасига ёш испаниялик коммунист Рамон Меркадер сукулиб кирган эди. У ўзини америкалик тижоратчи деб таништирганди. 1940 йилнинг 20 август куни Меркадер палтоси ичига яшириб олиб кирган музёрач чўкич билан столга энгашиб қўлёзмаларни кўраётган Лев Давидович Троцкийнинг бошига зарб билан уради. Троцкий бақриб йиқилади. Қўриқчилар қотилни тутишади. Жабрланувчи олган жароҳатидан 61 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

Меркадер судланиб 20 йилга қамалди. Операция раҳбари НКВД полковниги Л. Этингон ва шу террорчилик харакатини тайёрлашда иштирок этган қотилнинг онаси Каридад бекинишга улгурдилар.

Троцкийнинг ўлдирилганлигини эшитган Сталинжуда ҳам хурсанд бўлди. Роман Меркадерни Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан, онаси Каридадни Ленин ордени билан мукофотлади. Операция раҳбари Этингон генераллик даражасига кўтарилди. Сталин: «Мен ҳаёт эканман бу чекистнинг бошидан биронта сочи ҳам тўкилмайди», деган эди.

**ИОСИФ ВАССИРИОНОВИЧ СТАЛИН.** Коммунистик партия, Совет давлати, халқаро коммунистик ва ишчилар харакатининг раҳбар арбобларидан бири, марксизм-ленинизм назариётчиси ва ташвиқотчиси. 1905-07 йиллари Кавказ ортида бўлиб ўтган революцион харакатларнинг



иштирокчиси. «Правда» газетасининг ходими. Пётроград Октябрь революциясининг раҳбарларидан бири. 1917 йилдан партия Марказий Қумитаси аъзоси ва Миллий ишлар халқ комиссари. Аини вақтда (1917-22 й.й.) Давлат контроли халқ комиссарлигини ҳам бошқарган. 1919 йилдан Марказий Қумитаси Сиёсий бюро аъзоси. 1922 йил апрелдан МҚ Бош котиби қилиб сайланади ва бу лавозимда 30 йилдан ортиқ ишлади. 1941 йилдан собиқ СССР Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси, давлат мудофаа халқ комиссари, Куролли кучлар Олий бош қумондони этиб сайланди. Совет давлатининг бошлиғи сифатида уч давлат - СССР, АҚШ, Буюк Британия давлат раҳбарларининг Техрон(1943), Қрим(1945), Потсдам (1945) конференцияларида қатнашди. Урушдан кейинги даврда Сталин партия МҚ Бош котиби ва СССР Вазирлар Кенгаши раиси лавозимларида ишлашни давом эттирди.

Иосиф Виссарионович Сталин қон босими касаллиги билан оғриб юрган. 1953 йил 4 мартдан 5 мартга ўтар кечаси Куниевадаги дала ҳовлисида диванда ухлаб ётган вақти бошининг қаттиқ оғришидан ва айланишидан уйғониб кетади. Дивандан туриб қаршисидаги стол устида турган телефонга бормоқчи бўлади. Лекин хушидан кетиб йиқилади, мулозимлари эса бундан беҳабар эдилар. Сталиннинг уйқудан турадиган вақти бўлсада, кўринмагач кўриқчилари ҳаяжонга тушиб, у ётган хонага киришга қарор қилишади ва Сталинни мажолсиз шол, тилдан қолган ҳолда полда ётганини кўришади. Доҳийнинг бундай аҳволда ётишини дархол етиб келишган Берия, Маленков, Молотов, Ворошилов, Каганович, Микоян, Хрушчевлар ҳам кўришди. Тиббиёт хулосасига кўра Сталин – инсульт (мияга қон қўйилганлиги) сабабли вафот этганлиги аниқланди. Ўша йили И.В. Сталин 74 ёшда бўлган.

Тиббиёт эксперти олимларининг ёзишича, Сталиннинг жасади назоратдан ўтказилгач, уни кийинтиришган. Оёқ кийимига келганда бирор жуфт ҳам янги туфли топишолмаган. Эскисини мойлаб кийгизишган. Жасад

видолашиш залига қўйилгач, оёқларини гулдаста ва гулчамбарлар билан беркитишган.

Мамлакатда 10 кунлик мотам эълон қилинганди. Бу мотам шу даражада қайғули бўлганки, хатто Лениннинг вафоти кунларида ҳам халқ бу даражада куйинмаганди. Кўпни кўрган ва кўп нарсани билган Илья Эренбург «Бундай мотамни тарих билмаса керак» деб ёзганди. Доҳий билан видолашгани, мамлакатнинг узоқ жойларидан одамлар Москвага келишган. Ўша март ойи кунлари Москва кўчалари хайрлашгани келаётган одамларга бўлиб кетган. Ёзувчи Галина Николаеванинг гувоҳлик беришича, кўчалардаги турнакатор юк машиналарининг овозлари, темирларнинг бонг уриши, жиддий тусдаги жангчилар, одамларнинг унсиз ҳаракатлари беҳисоб қоришиб, мислсиз шовқин ҳосил қилган. Ҳаракат тўхтаб қолган жойларда пиёда ва отлик милиционерларнинг тартиб ўрнатишга ўринишлари беҳуда кетарди. Ҳеч Ким бир-бирига қулоқ солмас, тор кўчалардан ўтиш пайти орқадан ёпирилиб келаётган оломон кучсиз ва мажолсизсиз одамларни босиб, янчиб ўтишарди. Майиб-мажрух бўлган ва ўлган одамларнинг сони юздан ошиб кетган. «Сталинсиз энди қандай яшаймиз» деб йиғлаганлар, митинг вақтида «Сталин ўлгунича, мен ўлганим яхшироқ» деб ўзини уйларнинг юқори қаватидан ерга ташлаб юборганлар ҳам бўлган. Мотам кунлари мамлакатнинг ҳамма жойларида митинглар бўлиб ўтди. Сталиннинг хайкали ва бюсти ёнида кеча-кундуз фахрий соқчилар туришди. Олийгоҳларда ўқишлар тўхтатилиб, талабалар кўчаларда қўлларига қора латта боғлаб юрдилар, радиога узлуксиз мотам маршининг мунгли оҳанглари таралиб турарди. Тўй ва қувончли маросимлар тўхтатилди.....

8 март куни И.В. Сталиннинг жасади Қизил майдонга В.И. Ленин мавзолейига Лениннинг чап ёнига қўйилди.

(Эълон қилинганидек 5 мартда эмас, балки 1953 йил 28 февралда Сталинни Кунцевадаги дала ҳовлисидан жонсиз ҳолда топадилар)

**ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВ.** Собик КПСС, Совет давлати ва халқаро коммунистик харакатининг арбоби. 1937 йилдан партия ходими, Иккинчи Жаҳон уруши даврида армия сиёсий бўлими бошлиғи, фронт сиёсий бошқармасининг раҳбари бўлган. Урушдан сўнг Запорожье, ДнепроПётровск вилоятлари коммунистик партияларининг биринчи котиби, Молдовия КП МК биринчи котиби, РСФСР бюросининг раиси лавозимларида ишлади. 1966 йилдан КПСС МКнинг Бош котиби. Шунинг билан бирга 1977 йилдан СССР Олий Кенгаши президиумининг ва мудофаа Кенгашининг ҳам раиси бўлган. Леонид Ильич Брежнев нисбатан узоқ умр кўрган собик шўро раҳбарларидан бири эди. Гувоҳларнинг шохидлик беришларича, у ўлимидан бир неча кун аввал Мавзолей минбарига чиқиш учун ҳам куч топа олмаган экан. Маълум бўлишича, бир неча йил олдин Брежневнинг юрагига махсус қурилма ўрнатилган бўлиб, америкаликлар ишлаб чиқарган сунъий ритм ҳайдовчиси - писмейкерни машҳур жаррох Василий Нестеров Бош котиб кўксига жойлаган. Писмейкерни олдиндан муайян юрак уришига мослаштириш туфайли бу қурилма ўзига хос нозик электромотор вазифасини бажара олган. Брежнев уйқудалиги чоғида писмейкер бузилиб, ишламай қолганлиги сабабли у 1982 йил ноябрь ойида 76 ёшида оламдан ўтди.

Иван Бунин эса «Партиянинг олтинлари» асарида Брежнев ўлимини бошқача таърифлайди. Ёзувчининг фикрича воқеа бундай бўлган: 1982 йил 9 ноябр куни партия ва давлат бошлиғи бир туда машиналар ҳамроҳлигида Кремлнинг Броневицкий дарвозасидан чиқади. Машиналар Москва яқинидаги Жуково қишлоғида жойлашган ҳукумат чорбоғига йўл олади. Машинага чиқишдан аввал Брежнев бир стакан сут билан битта кулча нон еб олган ва сутнинг мазаси ғалатилигидан зорланган эди. Аммо унинг овқатга нисбатан инжиқлигини билишгани учун ҳеч ким бунга эътибор бермайди. Ярим йўлда ГАИ машиналари қуршовида кетётган реаниматорлар машинаси филдиригининг дами чиқиб кетади. Қоидага биноан машина кузатувчиларининг барчаси тўхташи керак эди. Аммо

бундай бўлмади. Брежнев эса тинмай қайт қила бошлади. Унинг ёнида ўтирган шахсий шифокорда тез ёрдам учун зарур бўлган жомадончадан бошқа ҳеч нарсаси йўқ бўлганига қарамай, у қўлидан келган барча муолажаларни қилди. Радиотелефон йўқлиги учун реаниматорларни чақиришга улгуришмади. Брежневни чорбоққа олиб келишганда у оламдан ўтган эди.

**ХУСАЙН БОЙҚАРО**. Хуросон ҳукмдори, ўзбек шоири, темурийзода Умар шайхнинг эвараси. У салтанат учун Абу Саид Мирзога қарши курашиб, 1470 йили Хирот тахтини эгаллади. Алишер Навоийни муҳрдор, сўнг бош вазир қилиб тайинлади. Хусайн Бойқаро ҳукумдорлиги даврида мамлакатни ободонлаштириш ва Хиротни маданий марказга айлантириш ишларига катта эътибор берилди. Теварак атрофдан олимлар, шоирлар, адиблар, рассомлар, хаттотлар, мусиқачиларни йиқди. Кейинчалик маҳаллий феодал урушлар, Хусайн Бойқаро ва сарой амалдорларининг маишатга берилиб кетиши оқибатида Хуросон давлати заифлашди. Унинг вафотидан сўнг Хирот Шайбонийлар томонидан забт этилди.

1967 йилда Афғонистон пойтахти Қобул шаҳрида халқаро адабий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда тингланган маърузалардан бирида Султон Хусайн Бойқаронинг ўлими ва дафн қилинишига оид айри табиий ва мунозарали фикрлар айтилди. Ҳикоя қилишларича, Султон Хусайн Бойқаро Хуросон қўшинини йиғиб, Муҳаммад Шайбонийхонга қарши урушга кетаётганида, йўлда - Бобо Илоҳийда вафот этади. Гарчи уруш бошланмаган бўлса-да, бироқ жангу жадалга жазм қилиб, йўлга чиққан душманнинг тасодифанбоқий дунёга рихлат этиши Шайбонийхон ғалабасидан башорат эди. Бинобарин, аркони давлат ва шахзодалар шоҳнинг ўлими ҳақидаги хабар атрофга тарқалиб, Муҳаммад Шайбонийхонга етиб боргунга қадар, шошилинч равишда Бойқарони дафн этиб, қўшин салоҳиятини тузатиб, жангга тайёргарлик кўришга жазм қиладилар. Шу боис унинг жасадини мадраса ичидан оддий қабр қаздириб омонат дафн қилишди.

Султон Хусайн Бойқаро ҳаётлик вақтида ўзига Хиротнинг машҳур сайилгоҳи Мусалло ёнида мадраса қурдирган бўлиб, ўзининг салобатли ва мухташамлиги билан у ҳар қандай кишини лол қолдирган. Орадан бир неча муддат ўтгач Султоннинг жасадини ўзи қурдирган мадраса гумбази остида қазилган ҳақиқий қабрга қўйишга қарор қиладилар. Шу мақсадда, унинг ўрнига тахтга ўтирган ўли Бадиуззамон ва Музаффар Хусайн Мирзолар оталарининг аввалги қабрини очадилар. Хайхот, қайси кўз билан кўрсинларки, лаҳад ичида Султон Хусайн тўнтарилганча, устидан кафанлари тушиб кетган, йиртилган ҳолда ётар, лаҳаднинг деворларида тимдаланган қонли бармоқ излари кўринарди. Султоннинг соқол-мўйлови ўсиб, кўзи очик эди.

Гап шундаки, Султон Хусайн Бойқаро, ҳаётининг сўнгги 6-8 йиллари давомида қон босимининг ошиб юриши ва атериосклероз (мия қон томирларининг девори қалинлашиб, қон ҳаракати сусайиши) касаллиги билан оғриб юрган. Шу дарднинг асорати туфайли сактайи қалб касаллиги (мияга қон қуюлиши ёки мия қон томирларида қон лахталаниб, юришмай қолиши) сабабли 1506 йили 69 ёшида вафот этган. Бир неча муддат ўтгач, беморнинг томирлари яна ўз меъёрида ҳаракатга келган бўлиши мумкин. Хуллас, қайта жонланиб, ўзини қабрда кўрган Султон Хусайн Бойқаро ундан чиқиш учун кўп ҳаракат қилган, аммо барча ўринишлари зое кетганлигига тарих гувоҳ.

Ислом динига кўра, ҳақимлар назоратидан ўтказилмай, шошма-шошарлик билан дафн этиш мумкин эмас. Чунки мурдалар ичида онда-сонда тирилиб қолиш ҳоллари учраб туришига тарих шоҳид. Бундай ўлим тиббиётда клиник ўлим деб аталади. Ҳақиқий ўлим аломатлари жон узилган дақиқадан бошлаб, 10-15 соатдан сўнг пайдо бўлади. Шунга кўра дафн маросимида шошмаслик керак.

**ШАРОФ РАШИДОВИЧ РАШИДОВ.** Партия ва давлат арбоби, атоқли ўзбек ёзувчиси, Меҳнат фаолияти ўқитувчиликдан бошланган.

Сўнгра Самарқанд вилоятининг собиқ «Ленин йўли» рўзномасида масъул котиб, бош муҳаррир ўринбосари ва бош муҳаррир вазифаларида хизмат қилган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1942 йили оғир ярадор бўлиб армиядан қайтгач, Жиззахда мактаб директори, сўнгра «Ленин йўли» газетаси муҳаррири, Самарқанд вилоятининг биринчи котиби. «Қизил Ўзбекистон» (хозирги «Ўзбекистон овози») газетаси муҳаррири. Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси бошқаруви раиси лавозимларида ишлаган. 1950-59 йилларда ЎзССР Олий совети Президиуми раиси. 1959 йил мартдан Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий Қумитаси биринчи котиби. 1956 йилдан КПСС МҚ аъзолигига номзод, сўнгра аъзоси. 1966 йилдан КПСС Марказий Қумитаси Сиёсий бюроси аъзолигига номзод.

Шароф Рашидов шоир, адиб, танқидчи, публицист ҳамдир. Унинг асарлари дунёнинг турли тилларига таржима қилиниб, чет элларда ҳам чоп этилган.

Шароф Рашидов республиканинг совет ва партия ташкилотларига раҳбарлик қилиб, ўзини иқтидорли ташкилотчи ва раҳбар сифатида намоён этди. Унинг раҳбарлигида ЎзССР иқтисодиёти, фани ва маданиятининг барча соҳалари янада ривожланиб, халқ фаровонлигини юксалтириш, унинг турмуш даражасини ошириш учун катта тадбирлар амалга оширилди. У Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини, хусусан, пахтачиликни ривожлантириш, қишлоқ маданиятини оширишга катта куч ва меҳнат сарфлади.

Шароф Рашидов 1983 йилни октябрь ойида пахта теримининг боришини назорат қилиш учун вилоятлар бўйлаб сафарга чиқади. Хоразм вилояти пахта режасини тўлдиргани сабабли унга ғалаба байроғини топширган пайти Москвадан КПСС Марказий Қумитасининг бош котиби Ю.В. Андропов қўнгироқ қилиб, республикада пахта режасини бажарилиш имкониятлари ҳақида сўрайди. Ш. Рашидов биринчи бўлиб Хоразм вилояти режани бажарганлигини айтганда, у «фақат бир вилоятми?» деб кесатганича сўзини тугатади. Шу гапдан сўнг Ш.Рашидов ўзини ёмон ҳис қила бошлайди. Шунга қарамасдан машинада Нукусга қараб йўл олади. Йўлда

аҳволи ёмонлашгач, икки соат тўхтаб, дори-дармон беришади. Анорнинг шарбатини ичиришади. Бир оз тузалгандек бўлгач, йўлда давом этадилар.

Нукусда Қорақалпоқистон Коммунистик партиясининг биринчи котиби Камоловнинг дала ҳовлисида тўхтайдилар. Ш. Рашидов дала ҳовли биноси ёнида бир оз сайр қилмокчи бўлган пайти юрак соҳасида қаттиқ оғриқ сезади. Уни ўша ердаги ўриндиқлардан бирига ўтказишади. Аҳволи тобора оғирлашаверган Шароф акага шифокорнинг муолажалари ҳам наф бермади. Натижада у такрорий юрак инфаркти касаллиги туфайли, 66 ёшида, 1983 йил октябрь ойида оламдан кўз юмди.

Шароф Рашидов жасадини самолётда Тошкентга келтирдилар. Халқлар дўстлиги саройида икки кун давомида хайрлашув маросими уюштирилди. Юртимизнинг ҳар бир бурчагидан келган 400 мингдан зиёд одамлар видолашиш учун 12-15 соатлаб навбат кўтдилар. У В.И. Ленин музейи (ҳозирги Тарих музей) рўпарасидаги хиёбонга дафн этилди. Орадан маълум вақт ўтгач, Марказий Қумитанинг қарори билан Шароф Рашидовнинг жасади Чиғатой қабристонида кўчирилди. Хиёбонга эса бюсти ўрнатилади.

**ФАЙЗУЛЛО ХЎЖАЕВ.** Партия ва давлат арбоби. 1896 йили Бухорода қоракўл савдоси билан шуғулланувчи Қосимхўжаев Убайдуллохўжа оиласида таваллуд топган. Дастлаб эски мактабда, сўнгра 1907-1912 йилларда Москвада отаси ёллаган ўқитувчилардан таълим олган.

1911 йилда Берлин университетининг иқтисод факультетида 6 ой ўқиган. Ўзбек, рус, озарбойжон, тожик, татар, қозок, немис тилларини мукамал билган.

14 ёшида рус инқилобчиларига яқинлашгач, 17 ёшдан жадидлар, 20 ёшдан бошлаб ёш бухороликлар ҳаракатида иштирок этди ва уларга раҳнамолик қилди. У шахсий отамерос хазинасидан 25 пуд қуйма олтин, 4,8 миллион дона тилла танга, 5 пудга яқин кумуш ва жуда кўп мол-мулкни шўро ҳукуматида ихтиёрий равишда топширди.

Касби - журналист. 1920 йилда «Учкун» газетасига мухаррирлик қилди. Шу йилдан КПСС аъзоси. 20 йил мобайнида 300 га яқин мақола, 30 дан зиёд китоб ва рисола чоп эттирган.

1920-1924 йилларда Бухоро Халқ жумхурияти Нозирлар кенгашининг раиси (шунингдек, ташқи ва ички ишлар нозири) бўлиб ишлаган.

1924 йилда унга командарм (hozirgi армия генерали) - армия кумондони унвони берилган.

1925 йил 17 февралдан эътиборан Ўзбекистон Халқ комиссарлари кенгаши раиси.

1937 йил 1 июлда Москвада «халқ душмани» сифатида қамоққа олиниб, 1938 йилнинг 12 март куни СССР Олий суди Харбий хайъатининг қарори билан отишга ҳукм қилинди. 15 март куни эса ҳукм ижро этилди. Қабри қаерда эканлиги номаълум. Сўнгги йилларда олиб борилган изланишлар натижасида 1938 йил 15 мартнинг тонгида отилганларнинг қабри Москвадан 60-70 чақирим жанубда бўлган «Берилровка» давлат хўжалиги ҳудудида эканлиги аниқланди.

Ф. Хўжаевнинг онаси қамоқхонада, хотини қамоқ лагерида бандаликни бажо келтирган. Қизи Вилоят Хўжаева салкам йигирма йил отаси учун жабр чекиб, 1987 йил Тошкентда 64 ёшида вафот этди.

**АКМАЛ ИКРОМОВ.** Совет давлати ва партия арбоби. 1918 йилдан КПСС аъзоси. Ўрта Осиёда совет хокимиятини тиклашда иштирок этган. 1921-22 йиллари Туркистон большевиклар Коммунистик партияси Марказий Қумитасининг котиби. 1925 йилдан Ўзбекистон КП Марказий Қумитаси (МҚ)нинг котиби бўлиб хизмат қилган.

1929 йилдан Ўзбекистон КП МҚ 1-котиби ҳамда Ўрта Осиё ВКП (б) бюроси котиби. 1925 йилдан СССР ВКП (б) МҚнинг аъзолигига номзод, 1937 йилдан - аъзоси.

Ф. Хўжаев сингари, А. Икромов ҳам Сталин билан яқин муносабатда бўлган. Тан олиш керакки, бундай мулозамат жуда озчиликка насиб этарди.



1937 йилнинг сентябрида Ўзбекистон КП МҚнинг 3-пленими бўлиб, уни ВКП(б) МҚнинг котиби А.Андреев ўтказди. Шу пленум қарори билан А. Икромов қамоққа олинади.

1938 йили март ойида Москвада суд қилинади. 1-13 март кунларида бўлиб ўтган суд мажлисида Акмал Икромовни «Халқ душмани» деган айб билан ўлим жазосига ҳукм қилишади. 15 март куни тонгда ҳукм ижро этилиб, отилади. Отилган жойнинг манзили махфий сақланади. Кейинги пайтда олиб борилган изланишлар, жамоатчиликнинг талаби туфайли 15 мартда отилганларнинг қabri Москвадан 60-70 чақирим жанубда бўлган «Берилровка» давлат хўжалиги ҳудудида эканлиги аниқланди.

**УСМОН ЮСУПОВ.** Совет ва давлат арбоби. 1926 йилдан КПСС аъзоси. 1929 йилдан Ўзбекистон КП МҚнинг аъзоси. Ўрта Осиё қасаба уюшмасининг раиси. 1937 йилдан Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қумитасининг биринчи котиби. 1950 йилдан СССР қишлоқ хўжалиги вазири. 1953-55 йиллари Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши раиси. 1939-56 йилгача КПСС МҚнинг аъзоси ва 1937-1958 йиллари СССР Олий Советининг депутаты бўлган. 1954 йили ғўза парваришида тор қатор оралиқларига оммавий равишда ўтиш масаласи кўтарилган эди. Бу фикрга кўшилмагани учун Юсуповга бир неча марта консерватизм ва бошқа оғирроқ гуноҳларда айблаларини эшитишга тўғри келарди. Шу сабабли Ўзбекистон КП МҚ июл пленумида у олий даражали фаолиятдан четлаштирилди. Кейинчалик унга ҳозирги Сирдарё вилояти ҳудудидаги «Боёвут - 4» совхозининг директорлигини таклиф қилганларида, у йигирма йилдан ортиқроқ республикани бошқариб келган юқори даражали раҳбар бўлганлигига қарамай, иккиланмасдан қабул қилди ва Мирзачўлнинг кўримсиз Боёвут посёлкасига ишга келди.

Оромсиз кунларга, машаққатли меҳнатларга бардош бериб, совхозни жаннатмакон жойга айлантирди. Хилма-хил мевазор боғлар яратди. Мактаб, шифохона, уй-жой ва маиший хизмат кўрсатувчи масканлар бунёд этилди,

Хўжалик тулик электрлаштирилди. Дехқонларнинг моддий таъминоти яхшиланди. «Боёвут»га одамлар кўчиб кела бошлашди. Давлат режалари ошириб бажариладиган бўлди.

У. Юсупов ҳаётининг сўнгги уч ярим йилини Янгийўл туманининг Халқобод деган жойида ўтказди. Республикада биринчи Халқобод агросаноат бирлашмасининг директори бўлиб хизмат қилди. Бу ерда ҳам ярим миллион дона дарахт кўчати экиб, боғ яратди. қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва техникасини ўргатадиган олти юз ўринли техникум биносини қурдиради.

Режалаштирган ишларининг бирортаси ўз вақтида амалга ошмай қолса, ёки натижаси кўнглидагидек бўлмаса, у жуда асабийлашар, ҳамма нарсани юрагига яқин оларди. Усмон Юсупов 1966 26 апрелда рўй берган Тошкент зилзиласи куни Усмон Юсупов ўзини ёмон хис қилган эди. Халқободда ер тебраниши деярли сезилгани йўқ, аммо статистик маълумотларга кўра, ўлим сони, айниқса, юраги касаллар орасида апрел, май ойларида бутун Ўзбекистон бўйича кўпайган.

Усмон Юсупов, 25 апрелда, ер қимирлаш арафасида муҳандис ва техниклар кенгашини чақириб, ўзи вақтида етиб кела олмади. Келганида унинг синиққан юзида қатра қон йўқ эди. У йиғилганлардан узр сураб, «Бошладик» дейди-ю, ўзи кўзларини юмиб, жаҳонда нималар бўлаётганига кулоқ солаётганга ўхшаб анча вақтгача қимирламай жим ўтиради.

Бир кеча-кундуздан сўнг гавдасининг унги томони фалаж бўлиб, сўздан қолди. Бир неча кун давомида шифокорлар, туғишганлари тўшаги тепасида бўлдилар. 6 май куни кечқурун у имо-ишора билан ҳаммадан ҳоли қолдиришларини сўрайди. Очиқ турган деразага нигоҳ ташлаб жаннатмақон Халқобод боғларига хаёлан сайр қилгандек бўлиб, хушидан кетади.... У 66 ёшида вафот этди. Тошкентдаги Чиғатой қабристонига дафн этилган.

Дафн маросимидан кейин Халқободда бўлган митингда Ўзбекистон КП МҚ биринчи котиби Шароф Рашидович Рашидов нутқ сўзлади.

- Биз Усмон Юсуповичнинг қўли билан барпо этилган боғда ўтирибмиз. Бу рамзийдир. Усмон Юсуповичнинг қаерга қадами етган, қўли теккан бўлса, ўша ерда боғлар, далалар, гуллар, ҳаёт пайдо бўлди. У боғбон эди, деган эди – деди сўзини яқунлаб Ўзбекистон раҳбари.

**ЧЎЛПОН, ФИТРАТ, АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ.** Атоқли шоир, ёзувчи, публицист, драматург, олимлар. Жадиличлик ҳаракатининг ёрқин намоёндалари.

Совет давлати қурилишидан бошлаб сиёсий ва ижтимоий ҳаётда ҳоким синф пролетариат бўлгани учун бутун мамлакатда пролетариат диктатурасининг ғалабаси олқишланар эди. 30-йилларнинг бошларида бадиий ижодда ҳам ишчини улуғлаш, заводни мақташ, тракторга мадҳия ўқиш, социалистик қурилишларни тараннум этиш, озод хотинлар меҳнатини мақташ одат бўлган эди.

Янги замонга ишчи синфидан чиққан Жигойлар, Рахимийлар, С. Хусайн. В. Уразай каби ижодкорлар керак эди. Шулар каби илоҳий ва умуминсоний ижод қобилиятига эга бўлмаган «ижодкорлар» юзага чиқди. Улар ҳукмдорларга ялтокланиб, чинакам истеъдодларга тош отдилар. Натижада Чўлпон, Фитрат, Боту, А. Қодирӣ, У. Носир, Элбек каби истеъдодларни адабий жараёндан четшатиришга олиб келдилар.

1935-37 йиллар жазо жазаваси – оммавий репрессиялар бошланди. Халқимизнинг энг сара фарзандлари «халқ душманлари»га айландилар. Ажабланарлиси шундаки,, кеча бир дастурхон атрофида дўст бўлиб, насиба бўлашиб еган кишилар, бугун бир-бирини «фош» қилишга тушган. «Миллатчи», «Унсур», «Сиёсий сўқир», «Чет эл разведкаси жосуси» деган ёрлиқлар одат тусига кирди. Ўша давр шароитида одамларни куркитиш, бир-бирига душман қилиш, турли усуллар билан азоблаб, керакли «курғазмалар» олиш одатий тусга кирган эди. Шу боис туппа-тузук ижодкорлар тухматчи ва хабаркашга айланади. Аввало дўстини сотди, кейин ўзи ҳам коққонга тушди. Коққонга илинмай қолганини эса бегуноҳ

отилган дўстининг рўҳи тинч қўймади. Умрбод тахлика ва виждон азобида яшади.

Етук олим ва адиб, тилшунос, драматург ва педагог Фитрат; шоир, моҳир таржимон, жўшқин мақоланавис ва журналист, 5 тилни биладиган кўп қиррали истеъдод соҳиби бўлган Чўлпон; биринчи ўзбек романчилигига асос солган ёзувчи, сатирик ва ҳикояновис А. Қодирий; шоир ва сатирик Элбек; шоир У.Носир ва Бехбудий каби халқимизнинг буюк фарзандлари, оташин, эркесвар, мардлик, жасоратлик ва хурлик куйчилари, миллий уйғониш учун қайғурган, виждон эркинлиги учун курашган, туркий халқларни бирлаштириш учун интилган, XX аср ўзбек адабиётининг баркамол вакиллари жаҳолат қурбонига айландилар. Адабиёт равнақига ким кўп ҳисса қўшган бўлса, таёқ кўпроқ ўша адибнинг бошида синган.

Фитрат, Чўлпон, Қодирий каби оташин адиблар 1937 йили қамокқа олиниб, 1938 йил 4 октябр куни 54, 41, 44 ёшларида Тошкент шаҳрида ёлғон суд ва ёлғон ҳукмга кўра отиб ташланганлар.

Матбуот маълумотларига кўра, 1938 йилнинг тўртинчи ва бешинчи октябр кунлари Давлат Хавфсизлиги бошқармаси комендатурасига тегишли гараждан битта юк машинаси ажратилган экан. Машина ҳайдовчисига «Черняевкагача ва нарига» боришга ижозат берилган. Олий жазога ҳукм этилган махбуслар Абдулла Қодирий, ғози Олим Юнусов, Абдурашид Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Отажон Хошим, Ислом Рустамов, Қосим Сарокин, Қурбон Берегин, Қаюм Рамазоновларни юк машинасида Черняевкагача олиб борганлар, сўнгра ўттиз чақирим айлана йўллардан юриб, овлоқ жойда отиб ташлаганлар. Қатлгоҳ узок йиллар аниқ бўлмай, мавҳум бўлиб келди. Бўзсув ёқаси (ҳозирги телеминара атрофи)даги Буржар буйида уруш йиллари одамни ютиб юборадиган жарликлар, қир ва тепаликлар сероб бўлган. Тунда махбуслар ўша жойда отилганликларини гувоҳи бўлганлар бор. Гувоҳларнинг кўрсатмалари, изланишлар асосида Буржар буйларида оммавий қатлгоҳлар бўлгани аниқланди. (Сўнги

йилларда бу ерда Президент Ислом Каримов ташаббуслари билан «Шаҳидлар хотираси» хиёбони барпо этилди – *тахририят изохи*).

**ПЁТР I.** Рус подшоси. 1682 йилдан биринчи Россия императори, Россиянинг атоқли давлат ва харбий арбоби. Пётр I Россияда қатор муҳим ислохотларни амалга оширди. У давлатни идора этган йиллари ишчилар меҳнатини корхона шаклида бирлаштирилди, қурола-аслаҳа ва маъдан заводларини барпо этилди. Савдо- сотиқ ривожланиб, сенат ва фармойиш хайъати ташкил қилинди. Мамлакат ўзининг доимий армия ва флотига эга бўлди.

Пётр I Россияни губерналарга бўлиб, Петербург шаҳрига асос солди, қалъа ва каналлар қурилишига бош-қош бўлди. Турли шаҳарларда ўқув муассасалари очилиб, фанлар академиясини ташкил қилинди, ёш дворянлар чет давлатларда таълим олиш имкониятига эга бўлдилар. Пётр I моҳир саркарда ҳам эди. Нотенбург, Лесной ва Полтава остоналарида бўлган жангларга кумондонлик қилиб, рус харбий санъати асосларини яратди.

Пётр I умрининг сўнгги йилларида мажолсизланиб, сўлиб борарди. 1714 йилда уни текширган шифокорлар подшонинг бедаво дардга гирифтор бўлганлигини айтишади. У тутқаноқ касаллигига йўлиққан эди. Боз устига 1724 йили рафиикаси Екатеринанинг сарой аҳилларидан бири бўлган Виллим Монсом билан яқин алоқада бўлганлигини сезиб қолади. Саккиз кун ичида хиёнатни аниқлагач, воқеага алоқадор одамларнинг бирини қамчи билан савалатса, бирининг тилини суғуриб олишни буюради, бошқасини эса Сибирга сургун қилдиради. В. Монсомнинг боши танасидан жудо қилинади.

Подшо хонадонинг обрўсини сақлаш мақсадида Пётр I хотини Катеринага нисбатан жазо белгиламади. Лекин спиртли ичимликлар истеъмол қилишга хаддан ташқари берилиб кетди. Шифокорлар тавсия қилган парҳез овқатларга риоя қилмайди, ўзининг соғлиғи ҳақида мутлоқ уйламайди. Тартибсиз харбий сафарлар, Пётрнинг касалини зурайтирди.

Тутқаноқ хуруж қилиб қолганда талвасага тушган подшони фақат хотини Екатерина тинчлантира олар эди.

1724 йили кузнинг сўнгги ойида Петербургни сув босди. Нева дарёсида параходлар ҳалокатга учрайди. Сувга чўкаётган кемаларнинг денгизчиларини қутқариш ишларида Пётр 1 нинг шахсан ўзи ҳам иштирок этди. Белигача сув кечиб ҳар бир матроснинг ҳаётини сақлаб қолиш учун олишади. Матрослар хавфсиз жойга чиққунга қадар сув кечади. Натижада каттиқ шамоллаб, оғир зотилжам касаллигига учрайди. Шу хасталиклар сабабли Улуғ Пётр 1725 йил 28 январ куни эрта тонгда ғоят азобу-уқубатда, хотини Екатеринанинг кўлида жон берди. У қазо қилган йили 53 ёшга кирган эди.

**НИКОЛАЙ II**. Россиянинг сўнгги императори. 1894 йилдан 1917 йилгача подшолик қилган. Реакцион сиёсатчилар ва дин арбоблари ҳамда авантюрист (муттаҳам, фирибгар, қаллоб)лар таъсирида бўлган. Шу сабабли Россия рус-япон уруши(1904-1905)да ютқазди. 1905-1907 йиллардаги инқилоблар давомида ер ислохотини ўтказишга ва Давлат думасини барпо қилишга рози бўлди. Николай II бошқарувида, биринчи жаҳон уруши давомида мамлакат ҳалокат ёқасига келиб қолган эди. Феврал инқилоби инқирозга юз тутгач, Октябрь революцияси вақтида подшо оиласи билан ҳибсга олинди. Уни оиласи билан аввал Тоболскга, сўнгра 1918 йилни ёз ойларида Екатеринбургга олиб келишди.

Оқ гвардиячилар Екатеринбургга яқин қолганида Урал Совети Москва билан келишган(?) ҳолда Россиянинг сўнгги подшосини оиласи билан қатл қилиш ҳақида қарор қабул қилади. 1918 йил 17 июлга ўтар кечаси 50 ёшли Николай II, рафиқаси Александра Федоровна, ўғли Алексей билан қизлари Анастасия, Ольга, Мария, Татьяна, сарой шифокори Евгения Боткина, уй хизматчилари Азоизия Труппа ва Анна Демидова ҳамда ошпаз Иван Харитоновларни Инатев уйи ертуласига тушириб, ўша жойда отиб ўлдиришади.

Мурдаларни ўрмонда, Алексей билан Николай Пнинг катта кизини жасадини гулханда куйдиришади, қолганларининг танасига сульфат кислотаси қуйилиб, юзлари милтиқ қундоғи билан бадбашара қилиниб, кишлоқ йўлининг ўртасига кўмадилар.

Мактаб ёшидаги Алексей оғир қон касали билан оғриган ва ноғиронлар аравачасида юрар эди. Ноғирон бемор йигитчанини отиб ўлдириш, бунга ҳам қаноат қилмай, юзини пачақлаб таниб бўлмас даражасига келтириш фақатгина «инсонпарвар» большевикларнинг қўлидан келган, холос.

**СЕРГЕЙ МИРОНОВИЧ КИРОВ** . Коммунистик партия ва Совет давлатининг йирик, сиёсий арбоби. 1904 йилдан КПСС аъзоси. 1908 йил Иркутскда партия ташкилотини ташкил этади. Владикавказга келиб болшевиклар ташкилотига бош бўлган ва Шўро хокимияти учун курашга раҳбарлик қилган. Астрахан мудофаасининг раҳбарларидан бири. Кавказ ортида оқ гвардиячилар ва чет эл интервенциясига қарши курашда фаол қатнашган. 1920 йил РСФСРнинг Грузиядаги РКП МҚ аъзолигига номзод. 1921 йил Озарбайжон КП МҚ котиби. 1926 йил ВКП(б) губерния Қумитаси ва ВКП МҚ шимолий-арб бюросининг биринчи котиби. Партия сафларида бирлик, якдиллик бўлиши учун, партияга қарши бўлган турли гуруҳларга қарши кескин кураш олиб борган. 1930 йилдан ВКП МҚ сиёсий бюроси аъзоси, 1934 йилдан ВКП МҚ котиби ва ташкилий бюро аъзоси бўлган.

Сергей Миронович Киров 1934 йил 1 декабр куни соат 16.30 да Смолнийда ёш партия аъзоси Леонид Николаев томонидан отиб ўлдирилган. У ўринбосари М.С. Чудовнинг кабинети ёнида отилган. Ўқ овозини эшитган Чудов югуриб чиқиб, Киров ўлиб ётганини кўради. У дарҳол Сталинга қўнғироқ қилади. 2 декабр куни эрталаб махсус поезд билан Сталин, В. Молотов, К. Ворошилов, Н. Ежов, Г. Ягода, А. Жданов, Я. Агронов ва Заковский Ленинградга келишади. Сталин тергов ишлари раҳбарлигини ўз қўлига олади. Стол атрофида Сталин, Ворошилов, Молотов, Жданов, Косаревлар ўтириб, орқада Ленинград вилояти Коммунистик партиясининг раҳбарлари ва бир гуруҳ чекистлар тик турган

катта хонага Николаевни олиб кирадилар. Сталин ундан нимага Кировни отганлигини сурайди. Николаев тиз чўкиб, қўли билан чекистларни кўрсатиб: «Улар мени шунга мажбур қилдилар» дея бақиради. Шу захоти бир неча чекистлар югуриб келиб тўппонча билан Николаевни қонга белаб, хушидан кетгунча уришади ва хонадан олиб чиқиб кетадилар.

Кўз ўнгида мансабини қўпол равишда суистеъмол қилган чекистларни негадир Сталин тўхтатмаган. Кейинги тахминларга кўра, С. М. Киров шахсан Сталиннинг топшириғи билан ўлдирилган, ёки унинг ўлдирилишидан дохий хабардор бўлган.

Авваллари Киров Сталин билан қалин дўст эди. 1934 йил ВКП нинг ХҮШ съездидаги сайловда Киров бор-йўли учта, Сталин эса 270 та қарши овоз олди. Шундан сўнг икковининг орасида рақобат, келишмовчилик бошланади.

6 декабр, Кировни тупроққа қўйиш куни Ленинграддан 39 киши ва Москвадан 29 киши отилди. Сўнгги кунлари Минскдан 9 киши, Киевдан 28 киши қатл этилди.

**НИКОЛАЙ ИВАНОВИЧ ПИРОГОВ.** Улуғ рус олими. Жаррох ва анатом, атоқли педагог ва жамоат арбоби. Екатеринбург ФА мухбир аъзоси (1847). Петроград тиббий-жаррохлик академиясининг профессори. Хирургияда экспериментал - анатомик йуналишга асос солган. Харбий дала ва хирургия анатомиясининг асосчиси. Топографик-анатомия фанига пойдевор қўйган. Пластик ва суяк пластик операциялари ҳақидаги ғояни илгари сурган. Бир қатор фанда воқеа ва янгилик бўлган жаррохлик операцияларининг муаллифи. Дала шароитида биринчи бўлиб наркоз учун эфир ишлатди. Гипс боғламини таклиф этди. 1854 йил тиббиётга ҳамширалар хизматини киритди. Вабонинг патологик анатомияси бўйича қимматли тадқиқотлар ўтказди (1849). Олимнинг «Топографик анатомия» атласи жаҳон тиббиёт оламида энг аҳамиятли асарлардан хисобланади.



Н.И. Пирогов вафотидан бир неча ой олдин танглайида қаттиқ-ясси шиш пайдо бўлганини сезади. Шиш ярага айланади. Бундан хавотирланган олим хар куни ойнага қараб, яранинг ўзгаришини кузатади, дори-дармон билан оғзини чайқаб туради. Аммо тузалишдан дарак бўлмайди. Петербурглик ҳамкасбларига кўрсатади, улар рак касаллигига шубҳа қиладилар. Бундан таъби хира бўлган бемор, ўша даврнинг машхур жаррохи Теодор Бильродга кўрсатиш учун Германияга жўнайди. Уни кузатиб борган шоғирди С. Шкляревскийнинг ёзишича, Пирогов то Германияга етгунча поезд вагонидан чиқмай хафа бўлиб борган.

Пироговни текширган Бильрод «Петербургнинг олимлари қаннака жаррох? Бу сурункали кечувчи оддий яра-ку!», деб хитоб қилади. Шундан сўнг Пирогов яхши кайфият ва хушчакчаклик билан юртига қайтади. Аммо...

Николай Иванович Пирогов пастки жагининг ўсимта(рак) касаллиги туфайли 1881 йил ноябрь ойида 71 ёшида Украинанинг хозирги Винница шаҳри яқинидаги Вишня қишлоғида вафот этади. Унинг шоғирдлари томонидан мумиёланган жасади ханузгача Вишня (хозирги Пирагов номли) қишлоқ черкови биносининг ертуласида сакланмоқда. Олим ҳаётининг сўнгги йиллари шу қишлоқда яшаган. Черков биносида хозир Н.И. Пирагов музейи жойлашган.

**АЛИШЕР НАВОИЙ.** Ўзбек адабий тилининг асосчиси. Улуғ шоир ва мутафаккир, йирик давлат арбоби ва маданият хомийси. У болалигиданоқ ўткир зеҳни, фаҳм-фаросатлиги билан бошқа тенгдошларидан ажралиб турган. Тўрт-беш ёшлигиданоқ шеърятга муҳаббат қўйган. Унинг тоғалари Мир Саид ва Муҳаммад Али замонасининг истеъдодли шоирлари бўлишган.

Алишер дастлаб форсча ўқиган. ғазалларини ҳам форс-тожик тилида Фоний тахаллуси билан яратган. Улғайган сари ўз она тилининг бой имкониятларини англаб, туркий тилда шеърлар ёзган. 15 ёшида икки тилни:

форс-тожик ва туркий тилни мукаммал билган ва ҳар иккаласида ҳам бирдек асарлар ёзган.

1469 йилда Ҳирот тахтига Навоийнинг дўсти Хусайн Бойқаро ўтиради. Шундан сўнг у бир қанча вақт мухрдорлик, вазирлик, ҳокимлик каби лавозимларда ишлайди. Саройда муҳит ёмонлашгач лавозимлардан воз кечиб, ижодий иш билан машғул бўлади.

Алишер Навоийдан жуда ўлкан бадиий, илмий мерос қолган. У илк бор туркий тилда 5 дostonли «Ҳамса»ни, жаҳон шеърятининг гултожиси ҳисобланмиш 4 девондан иборат «Ҳазоин ул-Маоний»(Маънолар хазинаси) ва кўплаб насрий асарларни яратди.

Алишер Навоий умрининг сўнгги йилларида артерия қон босимининг ошганлиги (гипертония) туфайли табиблар назоратида юрган. Хусайн Бойқаро исён кўтарган уғли Муҳаммад Хусайин Мирзони янчиб, Астрободдан Хиротга зафар билан қайтиб келаётган вақтида, подшони кутиб олиш ва ғалаба билан табриклаш учун 1500 йил 31 декабр, жума куни дарди анчагина оғир бўлишига қарамай, Алишер Навоий ҳам сарой аёнлари билан йўлга чиқади. Амиршоҳ-малик равотида тўхтаб, Хусайн Бойқарони кутадилар. Узоқдан подшонинг тахти-равони кўринади. Шунда Навоий отдан тушиб, учрашувга ҳозирланади. Шу маҳал тўсатдан унинг аҳволи ёмонлашади. Подшо яқинлашгач ҳамроҳлари Навоийни оёққа турғазиб, кўлтиқларидан суяб, бошини кўтариб туришади. Хусайн Бойқаро отдан тушиб келиб Навоий билан кучоқлашиб кўришади ва дўстининг аҳволини англагач, дархол табибни чақиришни буюради. Маҳаллий табиб вена томиридан қон олишга журъат этолмайди. Саройга олиб келингач, сарой табиби Низомиддин Абдулхай қон босими ошиши боис мияга қон кўйилганлигини аниқлайди ва дархол касалликка қарши муолажалар бошлайди, беморни кузатади. Лекин шанба ва якшанба кунлари ҳамбуюк шоирнинг аҳволи ўзгармади. Алишер Навоий 1501 йилнинг 3 январь, душанба куни 52 ёшида вафот этади. Ҳазрат Навоий Хиротнинг машҳур сайилгоҳи Мусаллода, инжил ариифининг ёқасида, масжид, мадраса,

шифоҳона, ҳаммом каби бинолар қаторида, ўзи учун қурдирган «Муқаддас гумбаз» остига дафн этилади.

**ҲАМИД ОЛИМЖОН.** Ўзбек адабиётининг машҳур сиймоларидан бири, шоир, публицист, олим ва жамоат арбоби. ЎзССР ФА мухбир аъзоси. Адабиётимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган адиб. Мактабда, педагогика билим юртида, Тошкент Давлат университетда ўқийди. Ўқиш давларидан бошлаб шеърлар машқ қилди. Шеърлари деворий газета ва журналларда босилди. Шоирнинг биринчи шеърлар тўплами «Куклам» номи билан 1929 йилда нашр этилди. Шундан кейин шоирнинг ундан ортиқ китоби дунё юзини кўрди. У моҳир таржимон, ўзига хос, ажойиб драмалар муаллифи ҳам эди. Унинг ўнлаб бетакрор шеърлари, «Зайнаб ва Омон», «Семурғ, Паризод ва Бунёд», «Ойгул билан Бахтиёр» каби дostonлари адабиётимизнинг юксалишида маълум аҳамият касб этди. Шоир шеърларининг шакл компонентлари, композиция, характер, қонфликт, тилнинг пишиқлиги ва сержилолиги, курашчанлиги китобхонни ўзига жалб этади.

«Бахт ва шодлик куйчиси» деб ном олган шоир Ҳамид Олимжон ижодининг айни гуллаб-яшнаган пайтида оламдан кўз юмди. 1944 йил май ойининг илиқ кунларидан бирида, шоир кичик юк машинасининг кабинасида ҳайдовчи ёнида шаҳар бўйлаб борарди. Тошкент кўчаларининг бирида, Мирзо Улуғбек тумани Луначар бозори бекатига етганда, машина тезлик билан бориб Симеғочга урилади. Шоирнинг боши кабина темирига зарб билан тегади. Шу пайт кабина эшиги очилиб кетади ва Ҳамид Олимжон хушсиз ҳолда ерга, тошйўл четига қулаб тўшади. Уни ўткинчи машинанинг юкхонасида касалхонага олиб боришади. Касалхонада хушига келмай, бош-мия жарохати туфайли 35 ёшида жон таслим қилади.

**ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ.** Ўзбекистон халқ шоири, муаллим, драматург, жамоат арбоби. 1920 йилдан коммунистик партия аъзоси. Унинг

ижоди 1905 йилдан бошланади. ғазаллар ёзади. Шоир эл-юртнинг истиқлоли ва истиқболи учун хизмат қилди. Ўша даврнинг пешқадам зиёлилари каби маърифатпараварлик ғояларини тарғиб қилди, Тошкент, Қўқон ва Туркистон шаҳарларида янги усулдаги мактаблар очди. Бошланғич синфлар учун ўқув қўлланмаларини ёзди, ўзи очган мактабларда муаллимлик қилди, маориф ишлари ташкилотчиси, театр гуруҳларининг раҳбари ва бошқа сиёсий-ташкилий вазифаларнинг ташаббускори, бошлиғи сифатида фаолият кўрсатди. «Биз ишчимиз», «Берма эркингни қўлдан» каби ўнлаб шеърлари туфайли «Инқилоб куйчиси» сифатида танилди. Ҳамза октябр инқилобини хурсандчилик билан қарши олди. У инқилоб туфайли халқнинг аҳволи яхшиланади, Туркистон халқлари жаҳон миқёсига чиқади, ўз эркини ўзи белгилайди, деб ишонган эди. Шеърларида ҳам ана шу ишончни равон мисраларда қофияга солди. 1926 йили унга «Ўзбекистон халқ шоири» унвони берилди. Унинг «Бой или хизматчи» (1918), «Паранжининг сири» (1927) драмалари ва «Майсаранинг иши» комедияси (1926) узоқ йиллар театр сахналаридан муносиб ўрин эгаллаб, муваффақият билан намоёниш этиб келинди.

Ҳамза 1928 йилда Шоҳимардонга юборилди. У ерда қизғин ташвиқот ишларини олиб борди. Болаларни янги усул мактабларига жалб этди, драма тўғараклари ташкил қилади. Шўро ҳукуматини, янги ҳаётни, паранжи ташлашни тарғиб этарди. Унинг бу ишлари Шоҳимардондаги Шўро тузумига ишончсизлик билан қаровчи, унинг сиёсатига қўшилмайдиган бир гуруҳ зиёлиларга ва дин пешволарига ёқмайди. Шунинг учун улар 1929 йил 18 март куни Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни 40 ёшида Шоҳимардон ариифининг ўнг соҳилидаги тепаликда тошбўрон қилиб ўлдирдилар.

**АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ ПУШКИН** . Рус ёзувчиси, шоир, рус адабий тилининг яратувчиси, янги рус адабиётининг отаси. Ёшлигидан ўта иқтидорли бўлиб, лицейда ўқиган. 12 ёшидан шеър ёзган. 1814 йилдан унинг шеълари журналларда чиқа бошлади. Ўша йили «Вестник Европў»

журналида «Другу стихотворцу» номли шеъри босилган. Пушкин лицейдан сўнг 1817 йилда Петербургдаги ташқи ишлар бўйича коллеж котиби бўлиб ишлади. Сиёсий шеърлари учун 1820 йилда Кавказга сургун қилинади. Бу жойда сиёсий мафкуралари кишилар билан танишади. Пушкин Петербургда «Руслан ва Людмила», Кавказда «Кавказ асири» поэмасини ёзади. Кавказдан Қримга келганда Қрим хонлигининг маркази Бохчасаройда бўлиб, «Бохчасарой фонтани» поэмасини ижод қилади. Сўнгра Кишиневга боради. Бу вақт ичида шеърлар ва поэмаларини нашр қилдириб, шоир сифатида танилади.

1823 йили Пушкин Кишиневдан Одессага ўтади. Новосибирск генерал губернатори граф Воронцов девонида хизмат қилади. Шоирнинг тўғрисиқлиги, шаҳардаги илғор одамлар билан таниш бўлганлиги Воронцовга ёқмай, 1824 йил июлда Пушкинни Псков губернасининг Михайловка қишлоғига юборади. 1925 йили декабрда Петербургда подшо режимига қарши, халқ озодлиги учун эди. Қўзғолон аёвсиз бостирилгач, подшо Николай 1 ўз измига солиш учун Пушкинни сургундан озод қилди.

1830 йили шоир Москвада 16 ёшли Наталья Гончаровага уйланади. Пушкин подшонинг измига юришни истамаганлиги сабабли, подшо уни Петербургдан нарига чиқишига рухсат бермай қўяди. 1925-35 йиллар орасида у «Евгений Онегин», «Борис Годунов», «Лўлилар», «Улуғ Пётрнинг араби», «Дубровский», «Капитан қизи» каби қатор роман, трагедия, поэма ва шеърлар ёзади.

Пушкинни ижодкор сифатидаги истеъдодини ва сиёсат жихатдан улуғлигини кўролмайдиганлар кўп эди. Журналларда унинг ижодини, шахсини ҳақоратловчи мақолалар чоп этилар, душманлари шаҳарликлар орасига Пушкин ва унинг оиласи ҳақида иғво гаплар тарқатишарди. Подшо саройининг оқсуяк зодагонлари шоирдан ўч олиш учун имзосиз хатлар ёзишардилар. Шундай хатлардан бири Пушкин ва уни дўстларининг қўлига 1836 йили 4 ноябрь куни келиб тушади. Унда шоир қаттиқ ҳақоратланган

эди. Бунга чидамаган Александр Сергеевич сарой хизматчиси Дантесни дуэлга чақирди.

1837 йил 27 январ куни кечки пайтда дуэл ижро этилди. Дантеснинг отган ўқидан Пушкин оғир ярадор бўлиб, уйда икки кеча-ю-кундуз ўлим билан олишди. Оғриқдан қийналсада, ўзини дадил тутиб, шикоят ҳам қилмас, хатто инграмасди ҳам. Шоирнинг бошида дўстлари навбатчилик қилишарди. 29 январ куни хотинидан Марошка (ботқоқликда ўсадиган хушбуй ўсимлик)дан егулик пишириб беришини сўрайди. Шу орада бир дақиқа хушдан кетади. Сўнгра кўзини очиб: «Ҳаёт тамом» дейди. Хотини унинг сўзини яхши англамай, бошига эгилиб: «Нима тамом», деб сўрайди. Бемор: «Ҳаёт тамом, нафасим сиқилаяпти, босаяпти»... деб аниқ айтади. Бу Пушкиннинг сўнги сўзлари эди.

**МИРЗО УЛУҒБЕК.** Давлат арбоби, маърифатпарвар. Шоҳрухнинг ўғли. Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси.

1409 йилдан Самарқанд хукмдори. У давлатга 40 йил раҳбарлик қилди. Шу даврнинг 20 йилини давлат худудини кенгайтириш учун харбий юришларга бағишлади. Хоразмни, Фарғонани ва Иссиққўл воҳаларини давлат таркибига қўшиб олди. Муғуллар қўшинини тор-мор қилинишига эришди. 1427 йили Сирдарё буйларида Буракхондан енгилгач, харбий юришларга чек қўяди.

Шундан сўнг 20 йил давомида фақат тез-тез хуруж қилиб турган муғуллар ва шайбонийлар хужумини қайтариб турди. Улуғбек подшолигида Мовароуннаҳр гуллаб яшнади. Унинг давлат ички сиёсати бошқача бўлиб, халқ манфаатини химоя қиларди. Албатта бу хунармандлар, савдогарлар ва айрим дин пешволарига ёқмасди. Шунга қарамай Самарқанд регистонида ва Бухорода бир неча хашаматли мадрасалар қурдирди. Самарқанд чеккасидаги тепаликда жаҳонда тенги йўқ расадхона барпо этди. Фалаккаёт бўйича олимларни тўплади, «Янги астрономия жадвали» - «Зижжи Кўрагоний»ни яратди. Мазкур жадвалда 1018 юлдузнинг жойлашиши ҳақида аниқ ҳисоб-китоблар мавжуд бўлиб, дунё астрономлари хануз ўз

хисоб-китоблари аниқлигига ишонч хосил қилиш учун ана шу жадвалга солиштирадilar. Улуғбек давлатнинг маданий ҳаётини юксалиши ва ривожланишига умрини бахшида этди. Олимлар шоир ва ёзувчилар рассомлар, курувчи ва хунармандларга хомийлик қилди. Подшо саройида Ўрта Осиёнинг турли чеккаларидан йиғилган алломалар - Румий, Хоразмий, Маъсудий, Али Қушчи каби дунё таниган олимлар ижод қилардилар.

Мовароуннаҳрда фан ва маданиятнинг ривожланиши юқорида таъкидлаганимиздек, айрим реакцион кучларни газабга келтирди. Улар шариат бўйича жамият устидан ҳукумронлик қилишдан махрум бўлишидан кўрқдилар. Улар Улуғбек қарши қора ниятларини амалга ошириш режаларини туздилар. Шуро тузуми даврида бу курашнинг ташкилотчиси шайх Хўжа Ахрори Валий бўлганлиги, у авом халқ тўдаларини ва дарвешларни Улуғбекка қарши қуяганлиги тарих дарсликлари ва илмий адабиётларда «исботлаб берилган» эди. Ваҳоланки, Самарқандда Улуғбек ҳукумронлик қилган даврда Хўжа Ахрори Валий ҳали анча ёш бўлиб, Тошкентда яшар ва халқ орасида ҳали Абдуҳолик ғиждувоний асос солган, Баҳоуддин Нақшбанд ривожлантирган «Хўжагония» тариқатининг йирик вакили сифатида танилиб улгурмаган эди. Хулоса шуки, Улуғбекнинг ўлдирилишига Хўжа Ахрори Валийнинг бош-қош бўлганлиги ҳақидаги фикрлар ҳақиқатдан мутлақо йироқ.

1446 йили Шохрухнинг вафотидан сўнг темурийлар орасида ўзаро уруш бошланади. Улуғбекнинг ўғли Абдулатиф бобосининг хазинасини қўлга киритади. Шу муносабат билан ота-бола ўртасида келишмовчилик юзага келади. Бундан фойдаланган мутаасиб кучлар Абдулатифни отасига қарши гиж-гижлаб, унга қарши қилиб қўядилар. 1449 йили Самарқанд атрофида Улуғбек билан Абдулатиф қўшинлари ўртасида тўқнашув бўлиб, Улуғбек енгиледи ва Самарқандга чекинади. Шаҳар бошлиғи дарвозаларни беркитиб, Улуғбекни шаҳарга киритмайди. Улуғбек кичик ўғли Абдулазиз ва кўзатувчилари билан шимол томонга қочиб, Шохрўҳияга боради. Бу ерда

мамлуклардан бўлган шаҳар бошлиғи Иброҳим Улуғбекни хибсга олиб, Абдулатиф кўлига топширади.

Улуғбекнинг илтимосига кўра, унга хаж зиёрати учун Маккага кетишига изн берилади. Бундан хурсанд бўлган подшо, пешин намозидан сўнг, яқин кишилари, хизматчиси ва Хўжа Муҳаммад Хисрав билан биргаликда Самарқандга жўнайдилар. Боғишамолдан ўтганларида орқаларидан чопар етиб келади ва подшо отасининг Маккага кетишидан олдин зиёфат бермоқчилигини айтиб, уларни йўлдан тўхтатади. Бу чопар Абдулатифнинг ишончли йигитларидан эди. Шундан сўнг яқин-ўртадаги якка ховлига тушадилар. қоронғи чўқади. Совуқ туфайли учоққа олов ёқишади. Улуғбек хаёлга чўмган ҳолда учоқ ёнида исиниб ўтирарди. Шу пайт бирдан эшик очилиб Аббос исмли киши ўртоғи билан кириб келади. Уларга кўзи тушгандан Улуғбекнинг ранги оқариб ўрнидан Ирғиб туради ва орқага тирсалади. Кириб келганларнинг бири Улуғбекка орқа томонидан тирмашиб унинг пўстинини ечиб, кўлини орқага қайиради. Аббос Улуғбекнинг қўлларини боғлайди. Сўнгра судраб шохни ташқарига чиқаришади. Новдасига машъал илиб қўйилган дарахт тагига олиб боришгач, тиз чўкишга мажбур қилишади. Аббос қиличини қинидан суғуриб улуғ олим, темурий подшонинг калласини танасидан жудо қилади. Бу воқеа 1449 йил 25 октябрда содир бўлган бўлиб, бу пайтда Улуғбек 55 ёшда эди.

Орадан икки-уч кун утгач, Абдулатифнинг буйруғи билан тўғишган укаси Абдулазиз ҳам ўлдирилади. Абдулатифнинг ўзи ҳам отаси ва укасидан сўнг узоқ яшамади. 1405 йил 8 май куни отаси тарафдорларининг қурбони бўлди. Унинг саройдан чиқишини пойлаб турган Бобо Хусайин Туркистоний камондан ўқ ўзиб, Абдулатифни отдан кулатди. Сўнгра калласини танасидан ажратиб Улуғбек мадрасасининг пештоқига осиб қўядилар. Ҳа, падаркушлар олти ойдан ортиқ яшамайдилар, деган гап Абдулатиф тақдирида яна бир бор ўз исботини топади.



1941 йили Гури Амир мақбарисиди олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари давомида, илмий-экспедиция иштирокчилари 18 июн куни Улуғбек қабрини ҳам очадилар. Унинг боши танасидан нарироқда, юзи ерга қаратилган ҳолда қўйилган бўлиб, бош чаноғи билан бирга учта буйин умуртқаси ёпишиб турарди. Учинчи умуртқада ўткир тигнинг изи яққол кўриниб турган. Тигнинг изига кўра қилич буйинни орқа томонидан урилганлигини билиб олиш мумкин эди.

**ЗАХРИДИН МУҲАММАД БОБУР.** Буюк саркарда, шоир, адабиётшунос, табиатшунос, тарихчи ва адиб. Отаси Умар-Шайхнинг фожеали вафотидан сўнг, Фарғона ҳукумдорлиги Бобур Мирзога ўтди.

Ёш ҳукмдор Самарқандни олиш ниятида қўшин тўплайди. 1497 йили 100 кун Самарқандга ҳокимлик қилади. Бу вақт уни собиқ харбий кумондони Андижонга хужум қилган эди. Бобур тўғилган юрти Андижонни химоя қилишга қайтди ва 1449 йили уни эгаллади.

1501 йили Шайбонихон Мовароуннаҳрга юриш қилиб, Бухорони эгаллади ва Самарқандга йўл олди. Буни эшитган Бобур кичик отряди билан Самарқанд химоясига шошилади. Аммо у кечиккан эди. Шаҳар шайбонийлар қўлига ўтганлигидан хабар топган Бобур беҳосдан хужум қилиб Самарқандни эгаллади. Бу пайт Бобур 19 ёшда эди. Шаҳар четида тўхтаган Шайбонийхон шаҳарни қамал қилди. Озик-овқат тугаб шаҳар халқи қийналаётганини курган Мирзо тўрт ойдан сўнг шаҳарни Шайбонийхонга топшириб, Андижонга қайтди.

Қўшинсиз, пулсиз ва химоясиз қолган Бобур 1504 йили оиласини, онасини олиб, 200 нафар суворий билан Мовароуннаҳрни тарк этади. Амударёдан ўтиб, Қобулда тўхтади. 23 ёшли Бобур мустақил, катта давлат тузишни орзу қилар эди. Шу сабабли 1525 йили Ҳиндистонга юриш қилади. 1526 йили Дехлини, сўнгра бошқа вилоятларни ҳамда бутун Ганга водийсини эгаллайди. Бобур қудратли муғул давлатини барпо қилади. Бу давлат 250 йил давомида умр кўрди.

Ҳиндистоннинг Агра шаҳри яқинида, Панипат жангида Ҳиндистон султони Иброҳим Лут ўлдирилади. Бобур Агра шаҳрига етгач, Жамна соҳилида Иброҳимни онаси кекса тождор аёл Байда, кўз ёши билан Бобурга шаҳар дарвозаси калитини беради. Аёлни кимлигини билгач ва уни мени яна ғам-ғуссага қолдиришмасин, деган илтимосимни қабул қилиб, аёлни она сифатида хурмат қилишни буюради. Лекин аёлни кўнглида Бобурдан ўғли учун уч олиш нияти бор эди.

Бобур ҳинд халқининг хурматини Қозониш учун Султон Иброҳим Лутнинг ўғли Баҳодирни (тилмоч қилиб) сарой хизматчиларидан кўпини ва ошпазларидан тўртасини сарой хизматига қолдиради. Байда хийла йўллар билан набирасига Бобурни ўлдиришни буюради. У ўз навбатида ошпазлардан уларнинг қариндошлари қайси жангда ўлдирилганини билиб олади. Ошпаз Бахлул ўлган укаси учун ўч олишга розилигини билгач, Байда чўриси орқали заҳар бериб юборади. Чўрини саройга аввал сарой ошпази бўлган Ахмад олиб киради. Ошпаз Бахлул Бобурга бериладиган ҳиндча овқат устига заҳар сепиб, устидан қайла куяди ва шоҳ дастурхонига киритади. Овқат истеъмол қилингандан бир неча дақиқа ўтгач, Бобурни қорни оғриб қуса бошлайди. Хақим Юсуф шаробнинг таъсири деб тинчлантирувчи дори бермоқчи бўлганида Мирзо Бобур ҳеч нарса ичмаганлигини, бу овқатдан эканлигини баён этади. Тўрт ошпаз ва Бахлулнинг иқроридан сўнг Ахмад, Байда ва унинг чўрисини ҳам хибсга олишади.

Хақим Юсуф Бобурни касали билан икки кеча-кундуз олишади. Натижада заҳарланиш чекинади. Жаллодлар Бахлулни тириклайин терисини шиладилар. Ахмад чорпора қилинади. Боши, кўл-оёғи кесилади. Чўрикутирган филларнинг оёқлари остига ташланади. Бобурни буйруғи билан Байданинг мулки етим-есирларга мусодара қилинади. Аммо ўзи ўлдирилмайди.

Заҳарланишдан Бобурнинг ошқозон-ичаклари, жигар ва қони касалланиб қолади. Хақимларнинг парвариши билан бир йилдан зиёд

яшайди. Ўғли Хумоюн бетоб бўлганида уни касали тез-тез қўзғаб туради. Ўғли тузалади, аммо Бобур холдан тойиб, ётиб қолади ва кундан-кунга дарди оғирлашаверади. Алахсираб, танасининг томирлари тортишар, совук тер босарди. Ўзига келган вақти Хумоюнга давлатни бошқаришни, «Бобурнома»ни олиб ўқишни, Хонзодабегимга мадраса қуришни, ўзининг жасадини эса Қобулга, тоғ устидаги боғга қўйишларини, у жойдан чиройли водий кўриниб туришини васият қилади. Яна алахсирайди...

Захриддин Мухаммад Бобур 1530 йилнинг декабр ойида, Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида, 47 ёшида, захарланиш оқибатида вафот этади.

**МИХАИЛ ЮРЬЕВИЧ ЛЕРМОНТОВ.** Рус шоири, Пушкиннинг замондоши, Москва университетида таҳсил олган. 1834 йил Петербургда гвардия прапорхиклик мактабини тугатган. Кавказда армияда хизмат қилган. Унинг ижоди асосан декабристлар қўзғолонидан сўнг бошланади. «Шоирнинг ўлими», «Пайғамбар», «Ватан» каби шеърлари; «Демон» поэмаси, «Мунофиқлик» номли драмаси, «Замонимиз қаҳрамони» номли романлари мавжуд. Лермонтовнинг асарлари инсонийлик, озодлик, реализм ғоялари билан суғорилган. У рус шеърлятида шеърларни оҳанг билан, оҳангга мос равишда ҳаракат билан куй оҳангларига мослаб ўқиш услубини жорий қилди.

Михаил Юрьевич Лермонтов, Шимолий Кавказда харбий хизматда бўлган йиллари, 1841 йил июл ойида Пятигорск шаҳрида бир бадавлат кишини уйида бўладиган зиёфатга таклиф қилишади. Зиёфат давомида, унинг қатнашчилари пионина чалаётган қиз атрофга тўпланишиб мусиқа тинглашарди. Шунда истефога чиққан майор Мартинов кавказча камзул кийган ва ёнига ханжар таққан холда мусиқа тингларди. Лермонтов унга хазиллашиб: «Ханжар таққан кавказликка қаранглар» дейди. Бу сўздан жаҳли чиққан Мартинов: «Мени хонимлар олдида мазаҳ қилдинг» дея Лермонтовни дуэлга чақиради.

Дуэл 1841 йил 27 июлда Машук тоғи этагида бўлиб ўтади. Лермонтовни секунданти Василчиков Мартиновни секунданти Глябов билан 30 кадам ўлчаб, охирги тўсикни 10 кадам жойга қўйишади, яъни рақиблар отиш вақтида ўн кадамгача яқинлашиб келишлари мумкин бўлади. Рақиблар ўлчанган 30 метрли масофани икки чеккасига бориб турадилар. Тўппончалар ўқланиб, Глябов томонидан рақибларга берилади ва «Марш» деган команда бўлади. Бунда рақибларни хар қайсиси ўн кадамга бир бирига яқинлашишлари мумкин эди. Лермонтов жойидан кўзғалмай, тўппончасини отишга тайёрлаб, уни оғзини осмонга кўтариб тураверади. У осойишталик билан чехраси ғамгинсиз турар эди. Мартинов тез кадамлар билан тўсик ёнига келиб Лермонтовга ўқ узади. Шоир турган жойида ерга йиқилади. Яраланган жойини қўли билан тутишга ҳам улгурмайди. Секундант югуриб келганида Лермонтовнинг ўнг биқинидаги яра тутаб турар, чап биқинидагиси эса қонаб ётарди. Ўқ юрак ва ўпкани яралаган эди.

Дуэл жойида на шифокор, на арава бор эди. Секундант арава топиб келгунча, шоирни ўлиги бир неча соат жала-ёмғир тагида қолади. У 27 ёшида душман қўлида жон беради. Лермонтов Пятигорск қабристонига дафн қилинди. Дафн маросимида шоир ўртоғи билан видолашгани ҳамма полқдан вакиллар келишди. Икки йилдан сўнг унинг катта онаси Арсенева шоирнинг хокини тўғилган жойи Тарханга келтириб, боболари ёнига дафн қилади.

**НОДИРАБЕГИМ.** Мохлар ойим Нодира, 19 асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган истеъдодли шоира. Нодира Ўрта Осиё феодал зулм ғояси кучайган, илғор фикрларга қарши хрофотнинг хуружи ниҳоятда авжига чиққан бир даврда яшаб ижод қилди. Шоира шеъларида ҳаётининг гўзаллик, чуқур инсоний туйғулар куйланади. Хусусан, уларда асрлар давомида истеъдод остида яшаб келган, инсонлик ғурури, кадр қиммати поймол қилинган ўзбек аёлларининг оғир қисмати, бу қисматга қарши дил нидоси, шахс эрки, маърифатли ҳаёт йўлидаги орзу, умид ва интилишлари ғазаллар,

мухаммаслар, мусаммалар, таржиъбандлар ва фироқномаларида ўз ифодасини топади.

Тарқоқ феодал даврининг энг даҳшатли иллоти - амрлик ва хонлик ўртасидаги зиддиятлар ажойиб шоиранинг фожиавий ўлимига сабаб бўлди.

1842 йили Бухоро амири Насрулло тамонидан Куқон босиб олинган вақтида икки набираси билан 50 ёшида ваҳшиёна қатл этилади. Дастлаб Насрулло Нодирабегимнинг икки набирасини жаллодга топшириб, уларни молни сўйгандек бўғизлаб ўлдиришни буюради. Бундай даҳшатдан фиғони фалакка чиққан шоира амир билан юзма-юз бўлиб уни қарғайди, унга лаънатлар айтади. Шундан сўнг, амир Нодирабегимни ҳам осиб ўлдиришга ҳукм этади.

**АНТОН ПАВЛОВИЧ ЧЕХОВ.** Рус ёзувчиси, шифокор, рўхшунос. Ёзувчи сифатида кичик фелъетон ва юмористик ҳикоялардан бошлаб, сўнгра зиёлийлар мафқурасининг шаклланиш босқичларини тасвирлайди. У ўзининг асарларида манфаатпарстлик, разиллик билан ҳаёт кечирувчиларни қаламга олади. «Зерикарли тарих», «Дуэль», «Итча билан хоним» каби асарлари шулар жумласидандир. Бошқа ҳикояларида шаҳар ва қишлоқларда буржуазиянинг ҳаёти, деҳқонларни камбағаллашиб боришини кўрсатади. «Палата», «Ниқобли одам» каби ҳикояларида ижтимоий умумлашув катта кучга эга эканлиги баён қилинади. У ўзининг «Чайка», «Ваня тоға» каби пьесаларида оддий одамларнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилар экан, оддий рус халқининг феъл-атвори, кундалик ташвишларини тасвирлашга ҳаракат қилади. Чехов рус ва жаҳон адабиётининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Адиб шифокор сифатида ўша даврда юқумли касалликларни олдини олиш чораларини илмий асосда, сабот билан бажарган. Шунга кўра унинг ҳудудида юқумли касалликлар деярли тарқалмаган бўлиб, бунга шифокорнинг ўз ишига бўлган меҳри, масъулияти сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Антон Павлович Чехов узок йиллар ўпка сили касаллигидан даволаниб юрди. Дори-дармон билан даволашдан ташқари курорт ва санаторияларда бўлиб турган. Сўнгги йиллари Ялтада яшаган. Денгиз соҳилидаги санатория боғларининг бирини ичида унинг дала ҳовлиси бўлиб, у хозиргача сақланиб қолган.

Ўпка сили касаллигининг асоратидан 1904 йили 64 ёшида Германияда жойлашган Баденвейллер оромгоҳида вафот этади.

**АДОЛЬФ ГИТЛЕР.** Дунёни ларзага солган Иккинчи жаҳон урушини очган, 55 миллион инсон ҳаётига зомин бўлган тарихий шахс. Ҳақиқий фамилияси Шикльгрубер. Немис-фашистларнинг бош харбий жинойтчиси. 1921 йилдан фашистлар миллий-социал партиясининг, Германия фашистлар давлатининг бошлиғи (фюрер). 1933 йилдан рейхс-канцлер. 1934 йилдан мазкур лавозимини президент лавозими билан бирлаштиради.

Германия Гитлер буйруғи билан 1941 йилнинг июн ойида хиёнаткорона СССРга ҳужум қилади. Айнан фюрернинг кўрсатмаларига биноан яҳудийлар вამ айда миллат вакиллари ер юзидан йўқ қилиш ишлари бошланиб юборади. Давлатлар бирин-кетин ишғол этилиб, миллионлаб одамлар немисларнинг ихтироси – концлагерларда тажриба учун «тирик хом-ашё»га айланадилар.

Урушнинг охирида. Совет кўшинлари Берлинни ишғол қилиш вақтида Гитлер изсиз йўқолган.

Адольф Гитлер аёл киши экан.

«Адолат кўзгуси» газетасининг хабар беришича (1998 йил март ойи сони), Гитлернинг аёл эканлиги, у 1992 йил 14 апрел куни 103 ёшида вафот этгач, ўтказилган текширувдан сўнг аниқ исботланган.

Ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган ҳақиқатни ўз кўзи билан кўрган ўликни текширишда иштирок этган шифокор Эрнест Кароу шундай хулосага келди: « жасадни текширишни биздан илтимос қилганларида биз тарихга янгилик киритишимизга ишонардик. Лекин учунчи рейх, иккинчи жаҳон уруши ва

шахсан Гитлернинг тарихини қайта ёзишга ҳақиқатдан ҳам киришишимизни тасаввур ҳам қилмаган эдик.»

Бу драматик тарих Карау ва унинг ҳамкасби доктор Роберто Кастиллога диктаторнинг ўлиmidан сўнг уч кун ўтгач, жасадни ёриб кўришни илтимос қилганларида бошланган.

«Бутунжаҳон янгиликлари» ва бошқа нуфузли нашрларда Гитлер 1945 йилда ўзига айнан ўхшаш кишининг ўлимини Берлиндаги бункерда уюштириб, Аргентинага қочиб кетганлиги, кейинчалик тоғли қишлоқдаги мустаҳкам қўриқлаш ташкил этилган қалъада яширинча яшаганлиги баён этилган эди. Кейинроқ у Жанубий Америкага ўтиб кетган.

Кароуннинг айтишича, Гитлернинг жинсий аъзолари аёлники эканлиги дарҳақиқат хайратланарли ва кутилмаган ҳолатдир.

1988 йилда «Бутунжаҳон янгиликлари» ойномасида ёзилишича, немис тарихчиси Клаусфонштемпер нацист Рудольф Гесснинг махфий кундалигига асосланиб, Гитлер бўлганлигини таъкидлаган эди. Кундаликда Гитлернинг аёлларникидек уруғдони, бачадони ва жинсий муносабатларга мослашмаган ғайритабиий ва хунук аёллик жинсий аъзоси мавжуд эканлиги қайд этилган. «У эркаклик ташқи қиёфасини пайдо қилиш ва сақлаш учун бутун умри давомида эркаклар гармони (махсус дори)ни ичиб юрарди», - деб ёзилган эди кундаликда.

Мен ана шундай кундалик борлигидан, уни саҳифаларига шундай ёзувлар ёзилганлигини билардим, - дейди Кароу, лекин жасадни ўз кўзим билан кўриб, текширмаганимча ишонмаган эдим. Қаршимизда аёлнинг танаси ётганига тўлиқ ишондим ва ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмади.

Жасад аёллар жинсига мансуб эканлигини тасдиқловчи белгиларни ўз кўзим билан кўрганимдан сўнг, кўп йиллик ҳеч ким билмаган ҳақиқат олдида ожиз қолдим. Биринчидан, аёлларгагина хос унча катта бўлмаган кўкраклари яққол кўзга ташланади. Унинг чўткага ўхшаш сийрак муйлови умр буйи ичилиган гармон дориларнинг натижаси бўлиб, эркаклик қиёфасини бўрттириб турарди.

Менинг фикримча, Рудольф Гесснинг кундалигида таърифланишига кўра «ғайритабиий ва хунук аёллик жинсий аъзоси» ва доктор Эрнест Кароунинг жасадни текшириб кўрганда кўзга ташланган «унча катта бўлмаган кукраклари ва сийрак чўткасимон муйлови» ҳисобга олинса Гитлер гермафродит яъни хунаса бўлган.

Хунаса одам, танасида эркак ва аёл жинсий органи мавжуд бўлади. Бу инсонда жуда кам учрайдиган жинсий орган аномалияси ҳисобланиб, Гитлерда аёллик аломатлар устун бўлган.

«Аёлнинг макри қирқ туяга юк бўлади» деган нақл бор. Эркак қиёфасида яшаган бир маккор аёл, иккинчи жаҳон урушининг оловини ёқиб, миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритди, минглаб шаҳар ва қишлоқларни, қанчадан-қанча одамлар қалбини вайрон қилди.

Гитлерхоним фашизмнинг азоб-уқубатларини ҳамон тортаётган уруш ноғиронлари, жанглардан қайтмаганларнинг фарзандлари, қондошлари қалбида ўз асоратларини қолдирган. Дунёнинг қарғишига қолиб, миллионлаб умрига зомин бўлиб, лаънатларга учраган бағритош маҳлуқсифат аёлнинг 103 йил умр кўргани дарҳақиқат ажабланарли бир ҳолдир.

**ЛЕВ НИКОЛАЕВИЧ ТОЛСТОЙ.** Граф, рус ёзувчиси, прозаик, драматург, танқидчи, жамоат арбоби. Петербург Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси (1873), фахрий академиги (1900).

1844 йилдан Қозонда яшаб шарқ ва юридик факультетларида ўқийди. Турк ва татар тиллари бўйича унинг лингвистик қобилиятига ўқитувчилари қойил қолишганди. Толстой инглиз, француз ва немис тилларини яхши билган, италян, чех, поляк, серб тилларида беъмалол ўқий олган. Юнон, лотин, украин, татар, черковсловаян тилларида сўзлаша олган. Қадимий жухуд, турк, голланд, болгар ва бошқа хорижий тилларни умри давомида ўрганган.



Ёзувчи ўн тўққиз ёшидан, то умрининг охиригача кундалик тутди. Талабалик даврида давлат дастури бўйича ўқиш уни зериктиради. Шундан сўнг у мустақил равишда тарихий мавзуларни ўргана бошлайди ва дорилфунунни қолдириб, Қозондан Ясная Полянага кўчиб келади. Унинг ёзувчилик фаолияти 1850 йилдан (22 ёшида) Москвада бошланди. Ёзувчини биринчи асари лўлилар турмушига бағишланган эди.

Кавказда армияда хизмат қилган вақти қатор ҳикоя («Хужум», «Ўрмон кесиш»), ва повестлар («Болалик», «Казаклар») ни ёзади.

Армиядан қайтгач, 1859 йили деҳқон болалари учун Ясная Полянада мактаб очади. Чекка қишлоқларда 20 дан зиёд мактаб очишга ёрдамлашади. Ўқитиш услуби ҳақида мақолалар ёзади.

Толстойни «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина» каби романлари, «Тирик мурда» каби асарлари жаҳон адабиётидан муносиб ўрин олган.

Ёзувчи ҳаётининг сўнгги йиллари беҳаловат ўтарди. Оилада осойишталик йўқ эди. Толстойни асарларини рафиқаси София Андреевна ёзишар эди. У хизмат ҳақини эридан талаб қилиб, эри ёзилган китоблар пулини камбағал деҳқонларга, етим-есирларга ва маориф тизимини ривожлантиришга берганида уйда катта жанжалга сабаб бўларди. Шу сабабли турмуш ўртоғи эрига бўлган муносабати яхши бўлмаган. Эрининг ётиш-туриши, яшаш шароитига яхши эътибор бермаган.

Ясная Полянада ҳаёти зерикарли бўлган Толстой бир неча марта бу жойни тарк этмокчи бўлади. Аммо узоқ вақт бу ишга журъат этолмасда, бир бошпанада оиласи билан яшаб, улардан рўҳан узоқда бўлиш унинг жонига тегиб кетган эди. 28 октябрь (210 ноябрь) кечаси ҳеч кимга билдирмасдан уйдан чиқиб кетади ва Ясная Полянани тарк этади.

Йўлда унинг тоби қочади. Энтикиб, нафаси сиқила бошлайди. Ҳарорати кўтарилади. Шу сабабли Астапова (ҳозирги Лев Толстой) номли кичик станцияга тўхташга мажбур бўлади. Бу ерда сўнгги бир неча кунларини ўтказади.

1910 йил 10 (23) ноябрь куни Лев Николаевич Толстой 82 ёшида зотилжам (ўпканинг шамоллаши) касаллиги оқибатида вафот этади.

Буюк адибни Ясная Поляна ўрмони ичидаги жарлик бўйига дафн этадилар.

**ЧИНГИЗХОН** (асл номи Темужин, Темучин). Муғул феодал империяси асосчиси, саркарда,» муғул қабилалари иттифоқи - тайжиутлар бошлиғи, Есугей баходирнинг ўғли. Отаси вафотидан сўнг орадан анча вақт ўтгач, қабилалар устидан ҳокимликни қўлга киритиш учун курашади. Кўп сонли отлик армияга эга бўлган.

1206 йил муғул хонлари қурултойида «Чингиз» (турк тенгез - океан, денгиз) унвони билан барча қабилаларнинг буюк хони деб эълон этилган. Шундан сўнг Чингизхон қонунлар тўплами – «Яса»ни эълон қилади.

Сибирдаги қабилаларни (1207), Шимолий Хитойни (1211-15), Ўрта Осиёни (1219-21) босиб олган. Чингизхон буйруғи билан босиб олинган худудлар таланган, аҳолиси кўплаб қириб ташланган. Ўлимдан бир оз олдин империяни ўз ўғиллари (Жўжи, Чигатой, Ўтой ва Тули)га бўлиб беради.

Шимолий Хитойдаги танғит қабилаларининг Си-ся давлати (10-13 - асрлар) га қарши бошлаган юриши даврида вафот этган.

Чингизхон фарзандлари Ўғидай ва Тули билан 1226 йилнинг бошида танғит элига қарши қўшин тортиб, Онгон-Талан-Худунга етиб келади. Бу ерда ёмон туш кўради ва ажалим яқинлашиб қолганга ўхшайди - деб гапира бошлайди. Ўз ўрнига ўғли Ўғидайни қолдиришни васият қилиб, қўшини билан йўлга равона бўлади. У ташвиш ва ғам ичида қолган эди. Танғит подшоси тинчлик сураб элчи юборади. Чингизхон уларни қабул қилмайди.

Чингизхоннинг касали кундан-кунга зўрая борди. Буюк хоқон совуқ Танғит водийсида, чодир ичида тўққиз қават оқ наMAT устида ётар, бошида чарм болиш, оёқ остига қора сувсар чойшаб тўшалган эди.

Узун ва ориқлаган гавдаси жуда оғирлашиб кетгани учун дунёни титратган жаҳонгир бошини қимирлата ҳам, кўтара ҳам олмас эди.

У ёнбоши билан ётар экан, хар нафас олганида каламушнинг чийиллагани каби ингичка товуш чиқарарди. Нафас олмаса чийиллаш эшитилмасди. Хар лаҳзада Чингизхоннинг аҳволи оғирлаша борди. Табиблар унга ёрдам берадиган гиёҳларни тополмаганлар. Борган сари бемор безовта бўлиб, нафас олганда чийиллаш кучайиб, нафаси тикилиб, биқини санчирди.

Беморни бошида унинг кенгашчиси, узун бўйли, қотмадан келган доно Елю Чу-цай ундан кўзини узмай ўтирарди. Беморга тасалли берарди. Чингизхон қорайиб, кўрқинчли бўлиб кетганди. У катта ўғли Жўжихонни ўлдирилганлигини, уни ўғли Ботухонни отаси ўрнига ҳукумдор бўлганини эшитиб, кўзларини аланг-жалам қилиб, тирсагига тиралиб ўрнидан туради-да нафаси қисилиб ёнбошига йиқилади. Чап кўзи қисилади, даҳшат билан ўнг кўзи чақнаб ўтирганларга қарайди. Ҳамма ерга қараб сукут қилади. Мана шу сукут ичида у ётган сариқ чодирнинг ёнида боғлиқлик турган от кишнаб юборади. Ҳамма чўчиб, яна хоқонга қарайдилар. Хоқоннинг унг кўзи нурсизланиб хира бўлиб қолганди. У 1227 йил 25 август 72 ёшида харбий юриш вақти Хитойни Танғит водийсида (Хуанхэ сариқ дарёси яқинида) дамқисма (бронхиал астма) касали ва эски яраларидан қон оқиши туфайли оламдан кўз юмади.

Чингизхон катта эман ёғочидан ўйиб, ичига олтин қопланган тобутини кўпдан бери ўзи билан бирга олиб юрарди. Хоқон жасадига совут кийгизилиб тобутга соладилар. Кўкрагига қовуштирилган қўллари ўткир қиличнинг дастасидан маҳкам тутиб турарди. Тобутнинг икки ёғига камон билан ўк, пичоқ, чақмоқтош ва олтин коса қўйилади. Сўнгра тобутни оқ кигизга ўраб, ўн иккита хўкиз қўшилган икки ғилдиракли аравага солиб орқаларига қайтиб, Ўрдага келадилар.

Чингизхоннинг васиятига кўра, илгари шикор қилиб дам оладиган жойга, Бурхон Холдун тоғи ён бағридаги ҳоли бор жойдаги баланд ёнғок дарахти тагига дафн қиладилар.

Вақт ўтган сайин қабр атрофида секин аста қалин чакалакзор пайдо бўлиб, унинг ичидан ўтиш ва қабрни топиш қийин бўлиб қолади.

Чингизхоннинг дафн маросими ниҳоятда махфий ўтган. Барча (20 мингдан зиёд) гувоҳлар қатл этилган. Чингизхоннинг барча қўллари, 40 нафар гўзал қиз ўлдирилиб, моллари ва хайвонлари ўзига тегишли улуши олтин ва кумушлар ҳам қўшиб кўмилган.

Чингизхонни қабри қаерда эканлиги ҳануз номаълум. Муғул ва Япон олимлари Чингизхон қабрини топиш мақсадида узоқ йиллардан бери кидирув ишлари олиб бормоқдалар. Бу борада улар сунбий йўлдош маълумотлари-ю, энг замонавий техник жихозлардан ам фойдаланишмоқда. Ниҳоятда сезгир электрон ускуналар ёрдамида Чингизхон қабрини астойдил топишга киришганлар. Чингизхон кўмилган деб тахмин тилинаётган сахро 240 квадрат километр майдонни эгаллаган. Бу сахрога илгари одам зоти қадам босмаган, кўрқишган.

Шундай қилиб, Сахрой Муғулистонда туғилган, сўнгра бу ерда яшовчи барча қабилаларни бирлаштириб, Тинч океанидан Атлантика океанигача бўлган худудларда истиқомат қилган халқлар бошига катта кулфатлар солган Чингизхон инсоният тарихида ўтган энг қонхўр жаҳонгирлардан ҳисобланади.

**ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ.** Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммаддан тахт ворислиги ва валиаҳдликни олган султон Жалолиддин, Чингизхоннинг босқинчилик юриши ва истило қилинган ерлардаги халқлар бошига солган мусибатларга қарши курашган. Она Ватанни жонидан ортиқ севган, ўз халқининг мушкул аҳволини енгиллаштиришни яхши кўрган. Турк ўғлони Жалолиддин қора мағиз юзли, ўрта бўйли, довюракликда тенги йўқ камтарин йигит эди.

Мовароуннаҳр ва Хоразмни қўлга киритган Чингизхонда султон Жалолиддин туфайли тинчлик бўлмаган. Айниқса, 1221 йилда Жалолиддиннинг муғуллар устидан Нисо, Нишапур, Газна атрофларида Қозонган ғалабалари Чингизхонни оромини бузди.

ғазнада султон Жалолиддин атрофига катта куч тупланади. Хоразмдан 40 минг қўшин етиб келади. Жалолиддин бу кучлар билан ғазнага яқин бўлган Валиен қалъаси атрофида Чингизхоннинг Бекчак ва Тимқур бошлик қўшинини яқсон қилади. 1221 йилнинг ёзида Парвона даштида душманнинг 30 мингли қўшинга жуда катта талофат етказиб, ғазнадан Синд (хинд) дарёси бўйига чекинади.

Чингизхон ўзининг ҳисобсиз лашкари билан Жалолиддинни таъқиб қилади ва Синд дарёси бўйида унинг 700 сонли мард йигитларини ўраб олади. Жалолиддин душман лашкарлари билан мардонавор жанг қилади. Аммо вазиятни англаган саркарда, рафиқаси, онаси ва фарзандларининг душман қўлига тушишини истамай уларни Синд дарёсига чўктиради. Чунки, ўша куни муғуллар Жалолиддиннинг қўлга туширилган 7 ёшли ўғлининг юрагини тириклайин суғуриб олган эдилар.

Жалолиддин дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб олгач, ўзининг оз сонли аскари билан Шимолий Ҳиндистоннинг бир чеккасига тўхтади. Бундан хабар топган Шатра вилоятининг подшоси уларга хужум қилиб, Жалолиддин билан яккама-якка жангда енгиледи. Мингдан ортиқ отлик, 5 мингта яхши қуролланган жангчилари Жалолиддинга атрофда кучлар ва муғулларга қарши қурашмоқчи бўлган мамлакатнинг энг катта лашкарбошиси Шамсиддин Элтутмиш ҳам 30 минг отлик, 100 минг пиёда аскари ва 300 та фили билан саркардага келиб қўшилади.

Жалолиддин Ҳиндистон шимолида катта давлат барпо этди. Шундан сўнг Ирокка лашкар тортади. Ирок, Эрон, Миср ва Сурия давлатлари Жалолиддинга кушилади. 1226 йили Озорбойжон ва Туржистонни жанг билан эгаллайди.

1227 йили Исфaxon яқинида Эронни муғуллардан химоя қилиб, ғалаба Қозонади. Жангда енгилган муғулларнинг машхур лашкарбошиси Тайнал, Жалолиддинни ўз даврини чинакам паҳлавони, подшо ва лашкарбошиларнинг дохийси деб баҳо беради. 1230 йили Жалолиддин Хитой шахрини қамал қилади.

Унга Осиёдаги Ани султони Аловуддин Кайкубод ўз ихтиёри билан келиб қўшилади ва Жалолиддинга қарши фитна уюштиради. Фитнага атрофдаги давлат ва шаҳар хокимлари қатнашади. 1230 йил 10 августда фитначилар ва Жалолиддин қўшинлари орасида жанг бўлиб, Жалолиддин енгилди. Сўнг кичик бир гуруҳ қўшин билан Озарбайжонга чекинади. Бу ҳақда Озарбайжондаги Исмоилийлар ҳукумдори Аловиддин Муҳаммад Ш муғулларга ҳабар қилади.

1231 йилнинг августда муғуллар Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди кўрасига хужум қилиб, ширакайф Жалолиддинни қўлга олиб, отга боғлаб олиб қочадилар. Йўлда ўзига келган саркарда қўлини бўшатиб, ёнидаги муғул аксарини қиличини тортиб олади ва улар билан жанг қилиб, озод бўлади. Ёлғиз қолган Жалолиддинни энди Курд қароқчилари қўлга туширадилар.

Қароқчиларнинг бошлиғи Жалолиддинни қўлини боғлаб, хотинини унга қоровул қилиб, икки от олиб келиши учун қўшни қишлоққа кетади.

Шу пайт қўлида найза ушлаган бир курд пайдо бўлади. У қўли боғлиқ асрни кимлигини қоровул аёлдан сўрайди. Аёл унинг султонлигини, эри қўлга туширганлигини айтади. Курд эса бунга ишонмайди. Унинг акасини хоразмийлар Хилот қамали чоғида ўлдирган эдилар. Шу боис акасини ўчини олиш мақсадида, қўли боғлиқ, қуролсиз махбуснинг кўкрагига найза санчади ва ўлдиради. Бу фожеа 1231 йил 17-20 августлар орасида содир бўлади. Унинг жасади Муяфарикинга келтиради. Уни вазир амакиси Ўткирхон танийди. Жалолиддиннинг жасади тунда Муяфарикинга яқин жойда дафн этилади. Унинг қабрини ҳеч ким ҳақорат қилмасин деган мақсадда, у ер текислаб юборилади.

Халқимиз она Ватанни Жалолиддиндек севувчи фарзандлари бўлганлиги билан фахрланади.

**ХОЖИМУҚОН.** Қозоқ халқининг машҳур пахлавони Хожимўқон ўз элида нечоғли иззат-хурматга эга бўлса, Ўзбекистонимизда ҳам шундай эътибор ва таҳсинга сазовор бўлган. Хожимўқон шу гўзал Тошкентимиз саҳналарида, майдонларида кураш тушган, кўпинча ғалабалик севинчларини ҳам, оз бўлса-да, мағлубият аламларини ҳам шу Тошкентимиз бағрида кўп сонли мухлислар билан бирга баҳам кўрган.

Хожимўқон дунёга машҳур пахлавон бўлган. У Окмула вилояти, Саритерак булиси, Кўрама овулида тўғилган. Ун туртга қадам куйганда кучи билан овул одамларини хайратда қолдирган. Ун тўққиз ёшида Қозон шаҳрининг катта маъракаси «Сабон туйи» (одат бўйича хар йили куш хайдаб булгач шундай туй билан ёзни қарши олиш) хар йили «Чучка кўлида» ўтадиган маъракада Хожимўқон Эдил бўйича, Сибирга машҳур, олтмишдан ошган полвон Добрий - Рабий устидан ғалаба қозонади.

Добрий-Рабийдан ва Қозон шаҳрига келган сайёр Цирк директоридан йўлланма олиб, Улуғ Пётр шаҳридаги Иван Поддубнийнинг мактабига киради. Бу ерда полвонлик хунарини, кураш илмларини ўрганади. Иван Поддубний унинг устози ва дўсти бўлиб қолади.

Россиянинг турли шаҳарларидан тўпланган қирқта полвон бир ярим ой курашиб, шулардан 39тасини Поддубний, 38 тасини Хожимўқон йикитиб, Дубий биринчи, Хожимўқон иккинчи ўринни олади. Хожимўқон Дубий билан бирга «Урис полвон» номи билан 24 юртни кезган.

У 30 ёшида Париждан ғалаба билан қайтади. Шундан 8 йил кейин Швеция-француз кураши бўйича Жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлади.

Шундан сўнг у талай давлатлар шаҳарларига бориб, циркларда дунёга машҳур бўлган полвонларни йиқитди. Жумладан, араб, форс, Миср, Буюк Британия, Германия полвонларини йиқитган Турк полвони Хожи Алини, япон полвони Сар-Кеккини Хожимўқон французча, қозоқча, японча «Жиб-

Жица» усулида курашиб, уларнинг устидан ҳам ғалаба қозонади. У сўнгги уч йил ичида Лондон, Анқара, Эрон, Ироқ, Ҳинди-Хитой шаҳарларини оралаб курашди. Курашларда ғолиб чиқади.

Ёши қайтган чоғида ўз юртига қайтиб, овул ва туманларда, циркларда курашиб юради. Ўзбек халқининг отаси Охунбобоевнинг таклифи билан Тошкентда, янги ташкил топган циркда хизмат қилади. Республика оқсоқоли унга уй-жой ва маблағдан ёрдам беради.

Ўрта Осиё халқларининг полвони Хожимўқон қариган чоғида аравага тошларини, темир-терсақларини ортиб овул тўйларида ўйин кўрсатиб, ёшларни курашга, полвонликка даъват қилади. У 75 ёшида Арис-Туркистон каналининг бош томонига, Арис районининг Темурланг қишлоғига кўчиб келади. Ленин номидаги жамоа хўжалиги раҳбари унга уй-ҳовли куриб беради ва полвон шарафига катта туй ҳам қилиб берган эди.

Сой бўйидаги майсага тикилган ўтовда қимиз ичиб ўтирган полвон, уйдан чиқиб арава ёнига боради-ю, қўли билан юрагини чангаллаб: - Ох! - дейди. Ёнидаги ўғли уни қўлтиғидан суяшга ҳам улгурмай оғир гавда ерга кулайди.

75 ёшгача дард кўрмаган Хожимўқон Мунгайтпасов юрак инфаркти касаллигидан оламдан кўз юмади.

**ТЕМУР МАЛИК.** Мғул истилочиларига қарши халқни бирлаштирган, юртдошлари, Ватани озодлиги учун жонини фидо қилган халқ қаҳрамони. Ўзбек халқи асрлар давомида ўз эрки, юрт озодлиги учун курашди, маданий бойликларини сақлаш, уни авлодларга етказиш учун ҳаракат қилди.

Тарихчиларнинг маълумотига кўра, ўзбек халқининг ўтмишида энг аянчли ва даҳшатли давр 13 асрнинг боши - 14 асрнинг 60-йилларига тўғри келади, яъни Чингизхон сулоласининг тажовузи ва ҳукумронлигидир. Бу даврда ўзбек халқининг юз йиллар давомида яратган буюк шаҳарлари,



дехқончилиги ва бой маданий мероси оёқости қилинди, моддий ва маънавий маданиятимиз узок вақт ўзини ўнглай олмади.

Ватанга муҳаббат, она тупроқ ҳимояси ҳамма даврларда ҳам муқаддас бўлган. 13 асрда жасур ватандошимиз, Хўжанд хоқими, саркарда Темур Малик она юртни чет эл босқинчилари - Чингизхон ғалабасидан ҳимоя этишда ўз қардошлари билан биргаликда мисилсиз қаҳрамонлик кўрсатди. Асрлар оша бу ном фидоийлик тимсоли бўлиб қолди.

Чингизхон қўшинларига қарши бўлажак курашга тайёргарликдан сўнг, Хўжанд мудофаси барпо этилиб, Темур Малик бошлиқ душманга қақшатғич зарба бериб турилади. Ватан сотқинларининг разил ишлари ва буларнинг разолатликлари туфайли мудофаа заифлашиб, халқ қаҳрамонлари Сирдарё ўртасидаги оролга чекинадилар. Ўша ерда туриб саккиз ой жанг қиладилар.

Темур Малик шу ердан туриб ҳукумронлик қилаётган муғулларнинг, шаҳардаги ерли сотқинларнинг додини бериб туради.

Кучли жангда Темур Малик сарбозлари ўз кемаларида Жанд шаҳри томон сузишади. Душман тўсиқларини енгиб Жанд шаҳрида қирғоққа чиқади. Шундан сўнг Қизилқум орқали Хоразмга жўнайди. Жайхун бўйидаги оғир жангда Темур Малик барча дўстларини йўқотади. Садоқатли дўсти Иброҳим Дулдай билан қаландарлар кийимида Боғдодга борадилар. Карвансаройда мусофир бўлиб яшайдилар. 9 йил саргардонликда юрган Темур Малик, Боғдодда бир мисгарнинг уйида касал бўлиб ётган ҳамшаҳари раққоса Нигинани учратади. У Хўжандни озод қилиш учун соғлиғида йиққан зар-тиллоларини беради. Темур Малик Нигинани вафотидан сўнг унинг ниятини амалга ошириш учун дўсти Иброҳим Дулдай билан Хўжандга қаршли Куркат қишлоғига келиб, қишлоқ оқсоқолиникига яширинишади. Шу куни тушлик таомдан сўнг Хўжанд қалъасига, ўғли Метинбек ва хизматкори ғуломни кўргани ўз уйига келади. Уларни кўргач, ўғлига ўзини танитмай, кетаётган пайтида орқасидан келаётган ўн отлик «икки қаландар»ни ураб олади. Муғуллар орасида бир отлик Темур

Маликни сунъий соқол-муйдовини юлиб олиб, уни муғулларга танитади. Ҳалиги кимса шу ерлик сотқин эди. Уларни қалъа ичига олиб киришади.

Шаҳар хокими Катағон ўғлон, кўзи кўр Улоқ нуён ва Сукти нуёнлар, ўқ-ёй ушлаб шай турган муғул сарбозлари иштирокида Темур Маликни суроқ қилинади. Улар «Сен бизга итоат эт, биз сенга яна ўз мартабангга кўямиз» дейишганда саркарда рози бўлмайди. Шунда жаҳли чиққан Улоқ нуён (кўзини Темур Малик кўр қилганлигини эслаб) ёнида турган сарбозни кўлидан ўқ-ёйни олиб, шоша-пиша унга ўқ қўйиб, саркарданинг кўксини нишонга олади ва камонни обдон тортиб, беш-олти кадамча нарида, рупарасида ўтирган Темур Маликка отади. Уг тиги-парракдек куч билан Темур Малик кўксига санчилиб, тўрт энликча орқадан тешиб чиқади.

- Номард! - дейди ёнига қийшайиб йиқилаётган саркарда, Иброҳим Дулдай югурганча келиб Темур Маликни ушлайди. Хўжайинни олиб кетиш учун Иброҳим Дулдайга рўхсат берилди.

Жон таслим қилаётган Темур Малик Иброҳим Дулдайга: «Мени уйимга олиб бор, ўғлимни кўрай ва остонани қучоқлаб ўлай. Сўнгра Куркатга югуринг. Куҳистоний хужумни бошласин!», деди. Иброҳим Дулдай саркардани опичиб қалъадан чиқади, Номозгоҳ маҳалласидаги ховлисини остонасига кўяди. ғуломни сўнгра ўғли Метин Маликни чақирганча, Темур Малик остонага бош қўйиб вафот этади.

Бу фожеа 1233 йил 44 ёшида Хўжандда содир бўлади.

Воқеани эшитган маҳалла одамлари йиғилишди. Иброҳим Дулдай Темур Малик кўксидан ўқни суғириб, кўлига ушлаганча, бир дехқон отини миниб Куркат қишлоғидаги сардорлар бошлиғи Элмурод Куҳистонийга воқеани етказди.

Шу куни ярим тунда Куҳистоний жангчилари қалъага хужум қилиб, Катағон уғлон. Сукту нуён, Улоқ нуён яна бир мусулмон либосидаги саллалик кимсалар қўлга тушунтирилади. Хўжанд ишғол қилинганча, уларни шаҳар майдонига олиб келадилар. Отлиқлар ва шаҳар фуқоролари кўз

унгида уларни хар хил усулда азоблаб ўлдирдилар ва қилич билан чошиб ташлашди.

**НАПОЛЕОН** (Наполеон Банопарт). Франция императори. 1785 йили артиллерия хизматининг кичик лейнетанти даражасида харбий хизматга кирган. Улуғ француз инқилоби даврида бригада генерали, сўнгра армияга командирлик қилади.

1799 йил ноябрда давлат тўнтаришига раҳбарлик қилади. Натижада давлатга ҳукумдор бўлади. 1804 йили ўзини император деб эълон қилади. Француз буржуазиясини ҳимоя қилувчи диктаторлик сиёсий режимини ўрнатади. Урушларда ғалаба қозониши натижасида Франциянинг худудини кенгайтирди. Марказий ва ғарбий Европа давлатлари унга қарам бўлади.

1812 йили урушда Россиядан енгилгач империя парчалана бошлайди. 1814 йили харбий қўшин Парижда Францияга қарши коалицияга қўшилгач, тахтдан воз кечади ва Эльба оролига жўнатилади. 1815 йилнинг март ойида яна тахтга ўтиради. Уни армияси Ватерлао ёнида мағлубиятга учрагач, 1815 июнда иккинчи марта тахтдан тушади. Сўнгги йиллари инглизларнинг асири бўлиб шимолий Елена оролида кун кечиради.

Наполеон Банопарт умрининг охирида ўта «ноёб» касаликка дучор бўлади. Бу касаллик оқибатида аста-секин аёлга айланади.

1982 йил Англияда чиқадиган газеталардан бирида, АҚШ табибининг мақоласи пайдо бўлади. Унда шифокор (ихтисоси эндокринолог) Наполеоннинг ўлимидан 12 йил олдин шу касаллик бошланганлигини ўзича исботлайди. Ундаги ички секреция безлари касаллиги аста секин жинснинг ўзгаришига олиб келган. Семизликни кўтаролмай гоҳида у бир неча кун донг қотиб ухларкан. Шунда оз-оздан аёл қиёфасига кира бошлаган.

Ҳаётдан кўз юмгач, император жасадини текширишганда бутун танасини қалин ёғ босиб кетган, елкалари худди аёлларникига ўхшаб қолган, қўллари ва оёқлари нозиклашган, унда фарзанд кўриш учун ҳамма шарт-шароит етилган - хатто кўкраклари дуб-думалоқ бўлиб кетган. Вафотидан олти кун олдин Наполеон ўз шифокорига «Сўнгги кунларим

даҳшатли ва уятли...» деб айтган экан. У 1821 йили 5 майда 52 ёшида Елена оролида вафот этади.

Мурдани ёриб кўрган жаррох Антомарки ва бир гуруҳ инглиз шифокорлар ошқозон ярасининг саратонга айланганлиги ўлимга сабаб бўлган деган хулосага келадилар.

Бошқа бир манбада қайд этилишича, Наполеонга Авлиё Елена оролидаги қамоқхона интенданти граф Шарл де Монтелон овқатга захар кўшиб беради. Чунки унинг хотини Альбин императорнинг уйнаши бўлган. Наполеоннинг хонасига киришга, унинг дастурхонини тайёрлашга рўхсати бўлган аламзада эр анна шу имкониятдан фойдаланган бўлиши мумкин.

Англиянинг Харвел шаҳридаги ядро тадқиқотлари лабораториясида императорнинг соч толалари текширилганда мишяк микдори одатдагидан анча кўплиги аниқланган. Демак, ошқозон яраси мишякдан бўлган.

**ЛИНКОЛЬН АБРААМ.** АҚШнинг 16-президенти (1861-65) Республикачилар партиясининг ташкилотчиларидан бири. Кулликка қарши курашган. Президентлик йиллари қўлларни озод қилиш ҳақида фармон чиқаради. Бунга қарши АҚШнинг Жанубидаги плантаторлар (лавлаги, чой қабиларни экувчи катта ер эгалари) фуқаролар урушини бошлайдилар. 1861-65 йиллари Линкольн давлатда қатор инқилобий-демократик ўзгаришлар қилди. Жумладан, ҳар бир Америка фуқаросига ер участкаси олишга ҳуқуқ берилади. Кейинчалик ушбу ер фуқарони ўзиники бўлади. Бундай тадбир америкада миллий фермер хўжаликларини ривожланишига катта йўл очиб берди ва қишлоқ хўжалигида капитализмни ривожланишига асос солди. Фуқаролар урушига қарши инқилобий усулда курашни жорий қилди. Натижада кулдорлар (плантаторлар) тор-мор қилинди.

Линкольн плантаторлар агенти томонидан 1865 йили, 56 ёшида отиб ўлдирилади. У Вашингтонни Форд театрида ўтирганида актёр Жон Бут томонидан унга қарата ўқ узилади.

Воқеа қуйидагича булган. 1865 йил 14 апрель. Президент оқ уйда одатдагидек иш кунини бошлайди. Соат 11 гача почтани кўриб чиқади.

Сўнгра, фуқаролар уруши қаҳрамони генерал У.С. Грант қатнашадиган кабинет йиғилишига йўл олади. Кечқурун хотини Линкольн хоним билан машҳур актриса Лаура Кин уйнаган Том Тейлорнинг «Бизнинг марокашлик холаваччалар» комедиясини кўрмоқчи бўлиб Форд театрига боради.

Линкольннинг бу оқшом театрга келиши театр актёрларига маълум эди. Бунга Жон Бут алоҳида аҳамият беради. Театрнинг етакчи артистларидан бири бўлган Бут ва унинг шериклари Президентни ўлдириш мақсадида фитна уюштирадилар.

Президент жуфти, дўстлари майор Генри Ретбоун ва унинг қаллиғи мисс Клара харбийлар кузатувида соат кечки саккиздан кейин театрга келади.

Соат кечки 9.30 да бошдан оёқ қора кийиниб, қиёфасини ўзгартирган Бут отда театрга келади. Белида пичоқ, сюртугиннинг чунтакларида иккита кольт, қўлига ўқланган револьвер ушлаганди.

Президентнинг кўрикчиларидан бири - Жон Паркер ложага киришдаги уз постини ташлаб, барга кетганди. кўрикчининг беғамлигидан фойдаланиб, Бут Президент ложасига киради ва «золимларга ўлим» дея тепкини босади. Ўқ президентнинг бошини тешиб, ўнг кўзига қадалиб қолади.

Майор Ретбоун қотилни ушлаш учун сакраб туради. Лекин пичоқ билн зобитни ярадор қилиб, саҳнага сакрайди. У пардага уралиб йиқилади ва оёғининг тиззасидан юқорироғи синади. Театрдаги тўс-тўпалондан фойдаланиб, қотил отга сакраб минади-ю, тун кўйнига сингиб кетади.

Оғир яраланган президентни тебранувчи креслода эҳтиёткорлик билан кўтариб, яқинроқдаги уйлардан бирига олиб кирадилар. Зудлик билан чақирилган шифокор ҳеч нарса қилолмайди. Эрталаб Президент вафот этади.

Жон Бут жанублик ҳамфикрларидан паноҳ топиш умидида Мэриленд штатига йўл олади. Йўлда таниш шифокор Бутнинг оёғини боғлаб кўяди. Виржиния штатидани тамаки фирмасида ўн бир кун яшириниб юради. Аскарлар жинойтчи яширинган бинони ўраб оладилар. Ихтиёрий таслим

бўлиш ҳақидаги бефойда музокарадан кейин фирмага ўт кўядилар. Бут ўзини ўзи отади.

**МИХАИЛ ВАСИЛЬЕВИЧ ФРУНЗЕ.** Партия, давлат арбоби, харбий саркарда, назоратчиси. 1904 йилдан Коммунистик партия аъзоси. Петербургда политехника олийгоҳни битирган. 1918 йилдан харбий комиссар, 1919 йили оқ гвардиячи Колчакни асосий кучига қарши юриш қилиб, мувафакқият қозонган.

1919-1920 йй. Туркистон frontiга кумондонлик қилган. 1930 йил 29 август, 2 сентябрь кунлари «бухоро операцияси»ни ўтказди. 1 сентябрь куни баландлиги 10, эни 5 метрли бухоро деворини тўплар билан отиб бузишди. Шаҳар устидан бомба ташлаб, минораларни вайрон қилади. 1 сентябрь куни шаҳар таслим бўлади.

1920-24 йиллари Украина ва Қрим армияларига кумондонлик қилади. Врангел, Петлюрачилар армиясини ва Украина босқинчиларини тор-мор қилади.

1924 й. март ойидан СССР харбий ва денгиз флоти бўйича нарком (вазир) муовини. 1925 йил январдан - нарком ва СССР Ижроя Қумитасининг аъзоси. Армияя ривожланиши ва мустаҳкамланиши борасида бир неча асарлар ёзган.

М.В. Фрунзе ошқозон яра касаллиги билан оғриб, вақтинчалик ишламай даволанарди. 1925 йил кузига келиб уни касали безовта қилмай, ўзини яхши ҳис қиларди. Шунга қарамай Боткин касалхонасида икки марта консилиум (шифокорлар маслаҳати) қилиниб, операция қилиш тавсия қилинган. консилиумдан олдин профессорлар В.Н. Розановни Сталин ва Зинавьевлар ўз хузурларига чақирган эди.

Фрунзе операцияни хоҳламасада, Сталиннинг операция қилдириш зарур деган сўзини рад қилолмай, операцияга рози бўлади.

Профессор В.Н. Розанов бошчилигида 1925 йил 29 октябрь куни операция қилинади. Беморни ухлатиш (оғриқсизлантириш) учун зарарсиз эфир ўрнига захарли хлороформ беришди. Яна, бемор яхши ухласин деб

Розановни кўргазмаси билан уни миқдоридан икки баробар кўп (60,0) беришади.

Қорин очилгандан кейин, операция зарур эмаслиги маълум бўлади. Яра битиб кетган, ўрнида кичик чандиқ қолган экан. Операция 35 минут давом этади. Наркоз 1 соат-у 5 минут давомида берилади.

Михаил Васильевич операциядан сўнг 30 соат ўтгач, ўткир перитонит (қоринни брюшина номли пардасини йирингли яллиғланиши) касаллиги ва наркоз-хлороформни заҳарини юрак, жигар, буйракка таъсири туфайли 40 ёшида оламдан кўз юмади.

Тарихчи А. Антонов - Овсеевнинг айтишича, Фрунзенинг ўлими «Сиёсий йўқ қилиш харакати»дан бошқа гап эмас дейди.

**НАДЕЖДА КОНСТАНТИНОВНА КРУПСКАЯ.** Совет давлати ва Партия арбоби, СССР ФА фахрий аъзоси, 1898 йилдан КПСС аъзоси. В.И. Лениннинг турмуш ўртоғи. «Искра», «Вперёд», «Пролетарий», «Социал-демократ» газеталари редакцияларида котиб бўлган. 1905-07 ва 1917 йиллари Октябрь инқилобининг иштирокчиси. 1920 йилдан сиёсий маъориф бошқармасини раиси, 1929 йилдан - маъориф вазирлигини муовини. 1927 йилдан МҚ ва СССР МИК аъзоси, СССР Олий советининг депутаты, 1937 йилдан СССР Олий Совети президиумининг аъзоси. 1938 йилдан педагогика ва КПСС бўйича асарлари чоп этган.

1930 йиллари Н.К. Крупская тақдири оғир кечган. 1934 йили уни «Ленин ҳақида хотиралар» китоби чоп этилади. Китоб ва бошқа партиянинг тарихига оид масалалар Сталиннинг хоҳиши билан рецензент Н. Паспелов томонидан қаттиқ танқид қилинади.

Оммавий қатағонлик бошланганда Крупская машхур партия ходимларини химоя қилиб, уларни озодликда қолдиришни НКВД дан сўрайди. Уни илтимослари инобатга олинмайди. Фақат 3 апрель 1917 й. В.И. Ленин партбилет берган И.Д. Чичерин қамоқдан озод қилинади, холос.

Бундан ташқари бўлган илтимосларига НКВД умуман эътибор бермайди. Крупская жуда каттиқ рўҳан эзилади.

Надежда Константиновна Крупская 1939 йилнинг бошланишида 70 ёшида юрак хасталигидан вафот этади. Бу воқеа уни тўғилган кунининг эртасига бўлади.

Крупская тўғилган кунини тор доирада ўзига яқин кишилар билан ўтказаётган пайтида Сталин номидан катта торт келтиришади. Крупская тортдан захарланган деган гаплар ҳам тарқалади. Лекин торт еган бошқа одамларга бирор нарса бўлмаганлиги аниқланади.

Н.К. Крупскаяни кўмиш маросими унга нисбатан катта хурмат билан амалга оширилади. Бу маракани Сталин бошлиғида Партбюро аъзолари бажаради. Аммо, дафн маросимидан сўнг Крупскаяни уйи тинтув қилиниб архив материаллари олинади. Шунингдек, маориф вазирлигига карашли нашриёт «Крупская ҳақида бундан буён бирор сўз ҳам нашр қилинмасин» деган кўрсатма берилади.

**ЖОН ФИЦЖЕРАЛЬД КЕННЕДИ.** АҚШнинг 35-президенти. 1941-45 йиллари флот хобити. 1947-61 й.й. АҚШ конгрессига кирган. Президент сифатида ижтимоий - иқтисодий реформани дастурини илгари сурган. АҚШ харбий блоки ва қуролли кучларини мустаҳкамлашни даъват этган. Шунинг билан бирга дунёдаги кучларни ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда СССР билан муносабатни яхшилаш борасида мойиллик билдиради. Бу эса АҚШнинг ўта реакцион кучларида норозилик туғдиради ва президентнинг жонига қасд қилишга сабаб бўлади.

1963 йил 22 ноябрь куни эрталаб президент ва унинг рафиқаси Жаклин сайловчилар билан навбатдаги учрашув режалаштиради ва Далласга келади. Уни Техас штатининг губернатори Жон Конолли кутиб олади. Тушликка яқин эр-хотин Кеннедилар ва уларнинг кузатувчилари президентнинг лимўзинига ўтирадилар. Президент рафиқаси билан орқа ўриндиққа, губернатор ва хотини олдинга ўтирадилар. Одам тўла кўчадан секин юриб



бораётган автомобил билан ёнма-ён хавфсизлик хизмати агентлари борарди. Далласнинг ишчи маркази томон кетаётган президент кортежи хаяжонга тўлиб тошаган оломонни кутлар, Кеннеди кўл силкитиб, кулганича «Миннатдорман, раҳмат!» деб қичқирарди.

Автомобиллар шаҳарнинг асосий йўлидан ён кўчалардан бирига бурилган ҳам эдики, уч марта отилган ўқ овози эшитилди. Президент қон отилиб чиққан томоғини чангаллаганича, хотинининг кўлига қулайди.

Президентнинг лимўзини кузатувчи машиналардан ажралиб мислсиз тезлик билан тўрт дақиқада энг яқин касалхонага етиб келади. Лекин шифокорларнинг ҳамма саъй-ҳаракатлари бесамар кетади. Яраланганига йигирма беш минут бўлганда, Жон Фицджеральд Кеннеди хушига келмай 46 ёшида оламдан ўтади.

Бу пайт воқеа жойида тўс-тўпалон бўлиб, гувоҳлар кўрсатмасига мувофиқ полициячилар ва хавфсизлик хизмати агентлари китоблар омборхонаси бўлган кўп қаватли бинони ўраб оладилар. Олтинчи қаватнинг ойнаси тагидан отилган учта ўқ гилзасини, қоғоз ўрайдиган яшиқ орқасидан «Маннлихр-Каркано» маркали оптик нишонга олувчи милтиқ топилади. Милтиқ эгаси 24 ёшли китоб сақлаш омбори ходими Ли Харви Освальд экан. Ўқ отилгач, бир неча дақиқадан сўнг Освальд бинодан чиқиб кетаётганда шу худудни полициячиси сержант Жон Типпит шубҳали йигитни кўриб тўхташини буюради. Освальд бурилиб, уни отади ва қочиб кинотеатр биносига яширинади. У яқинлашиб келаётган полициячини нишонга олади, лекин тўппонча отилмайди.

Кўлга олинган Освальдга сержант Типпитнинг ва президент Жон Кеннедининг қотили деб айб қўйилади. 24 ноябрь куни кучайтирилган кўриқчилар билан Освальдни Даллас округ турмасига ўтказадиган пайти тўсатдан ўрта бўйли тўла одам репортёрлар тўдасини ёриб ўтиб Освальднинг қовурғаларига револьверини тираб, тепкини босади. Жиноятчи оғриқдан буралганича, ерга ўлик ҳолда йиқилади.

Освальднинг қотили Далласдаги тунги клубнинг эгаси, Жек Руби экан. У нима сабабдан бу ишни қилганлиги ҳақидаги саволларга: «Жек учун» (яъни президент учун) деб тасдиқлаб тураверган. Жек Руби 1967 йил 3 январда турмадан ўпка тромбасидан вафот этади.

**ЭДУАРД II.** Англия қироли (1307), Плантагенетлар сулоласидан. Дворянлар билан доимо келишолмай ихтилофда бўлиб келган. Дворянларни сўзга чиқишларидан бирида, қиролни харбий-дворянлар табақасига мансуб бўлган кишилар-рицарликни химоя қилганлиги учун ва солиқларни ошишидан норози бўлган шаҳарликларни норозиликлари сабабли, унинг оилавий аҳволини нотинчлиги оқибатида қиролни тахтдан туширадилар.

Қирол Эдуард II Франция қироли Филиппнинг ўта гўзал кизи Изабеллага уйланган эди. Ундан 4 фарзанд кўради. Шунга қарамай қирол ўзининг энг яқин сарой посбони Хьюг Деспинарни «яхши кўради» ва Изабеллани қимматбаҳо буюмларини, тақинчоқларини унга совға қилади.

Эрининг бундай қилмишларидан жуда ҳам норози бўлган Изабелла Лорд Мортемирни уйнаш қилиб олади ва эридан ўч олишни режалаштиради.

1327 йили қирол тахтдан тушиб, хибсга олингач, уни ҳам балоғатга етмаган тўнғич ўғли Эдуард III ни тахтга ўтказишиб Лорд Мортемирни унга маслаҳатчи ва бошқарувчи қилиб тайинлайдилар.

Қамокқа олинган Эдуард II Беркли қалъасидаги энг зах ва ифлос хонага жойлаштирилади. Хона ўртаси чуқур бўлиб, унга ит, мушук, қушларнинг жасади ташланар эди. Сассикдан карахт бўлган собиқ қирол хатто чуқурга йиқилиб тушишдан қўрқиб ухлай олмасди ҳам. Орадан бир ой ўтгач руҳан кийноқда ётган 43 ёшли Эдуард II чол қиёфасига кириб қолади.

Баҳор ойига келгач, учта жаллод келиб Эдуард II ни бошқа, тозза ва чиройли хонага ўтказишади. Чўмилтириб янги кийим-бош беришади. Мазали таомлар билан меҳмон қилишади. Бундай шароитни кўрган банди озод қилинишига умид боғлаб, пар ёстикли тўшакка ётиб уйқуга кетади.

Уйқуда ётган Эдуарт II ни кийимларини ечишаётган пайти у уйғониб кетади. Унинг устига эман дарахти ёғочидан ясалган столни қўйиб, овози чиқмаслиги учун бошига пар ёстикни босиб туришади-да аввалдан тайёрлаб қўйилган хўкизнинг шоҳи ичидан орқа ичагига қиздирилган темир таёқни тиқишади. Шу пайтда жон-жаҳди билан бошини ёстикдан чиқариб, у бир марта дахшатли чинқиради. Унинг овози узоқ-узоқларга, атроф қишлоқларга эшитилади ва қишлоқ аҳли қиролни ўлдиришаётганидан огоҳ бўладилар. Эртаси куни қиролнинг соғлиғини сўраб келган 20 чоғли одамга унинг жасадини кўрсатишиб, ўзи ўлди дейишади. Ҳақиқатан ҳам жасадда зўравонлик белгилари йўқ эди.

Жасад бир ой давомида Беркли қалъасида сақланади. Ундан сўнг епископ Глостерскийнинг буйруғига кўра унинг жасади Глостер саборига кўмилади. Жасадни олиб кетишаётганларида, йўлни икки томонига ҳар бир километр масофага эман дарахтининг кўчатини экиб кетишади. Бу эман дарахтлари ҳозирги кунгача кўкариб турганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Шундай қилиб, 20 йил Англияга подшолик қилган Эдуард II 43 ёшида рўҳан ва жисмоний азобу-уқубатлар асоратида ўлдирилади.

**ҚИРОЛ ЛЮДОВИК XVI.** 18 аср охирига келиб давлатда капиталистик ишлаб чиқариш билан уни ривожланишига тўсқинлик қилаётган феодал ишлаб чиқариш ўртасида қарама-қаршилик юзага келади. Капиталистик тизим бузилади. Давлат оғир аҳволда қолади-ю, савдо саноати инқирозга учрайди. Бунинг устига очарчилик йили бўлиб, экинлар ҳосил бермайди. 1788-1789 йиллари халқ орасида норозилик кайфияти кучаяди

Қирол Людовик XVI 1789 йили май ойида генерал штаби ва давлат депутатларини чақиради. Депутатлар июл ойининг таъсис мажлисида ўзларини миллий мажлис деб эълон қиладилар. Мажлисни тарқатиб юборишга уриниш, халқ кўзғолонини вужудга келтирди. 14 июлда Бастилия (Париждаги қамокхона қалъаси)га хужум бошланди. Қирол чет давлатларни

ёрдамга чақиради. Шунга карамай, бу инқилоб аввалги буржуазия инқилобларидан фарқли равишда ғалаба қозонди. Қирол тахтдан туширилиб ҳибсга олинди. Давлат чет элликлардан тозаланди. Феодал тузуми барҳам топди. Капитализмнинг ривожланишига йўл очилди.

Ҳибсга олинган қирол Людовик XVI ва унинг рафиқаси Мария-Антуанетта ўлимга ҳукм қилинади. Собиқ қирол ажал қуроли гильотина ўрнатилган саҳнага дадил қадам ташлаб чиқади.

XVIII асрнинг охирларида яшаб ўтган «атоқли» Париж жаллоди Шарль Генрихнинг уйига кунларнинг бирида замонасининг етук шифокори - доктор Гильотин келади ва бошни танадан жудо қилишга мўлжалланган қурол лойихасини кўрсатади. Ботиқ ойсимон ўткир тиғ икки баланд устунга ўрнатилган, уни ушлаб турган арқон бўшатиб юборилса, тиғ шиддат билан пастга сирпаниб, калла кесилади ва пастдаги саватга тушади. «Бундай қатл инсонга ҳеч ҳам оғриқ бермайди, - дея таъкидлайди доктор Гильотин - киши бўйнига енгил шамол теккандек бўлади, холос.»

Эртаси куни жаллод ва «меҳрибон» шифокор ўз лойиҳаларини тасдиқлатиш учун қирол Людовик XVI хузурида пайдо бўладилар. Қирол лойиҳани бир оз ўзгартириб хазинадан 20 минг ливр ажратади ва бу ўлим қуролини тезда бунёд этишга буйруқ беради. Қуролга эса унинг “ихтирочиси” шарафига “Гильотина” номи берилади.

39 ёшли қирол Людовик XVI нинг бошини (1793 й.) бир пайтлари яратилишига ўзи хомийлик қилган ўлим қуроли танасидан жудо қилади.

**ИВАН ВАСИЛЬЕВИЧ ГРОЗНИЙ.** “Бутун Руснинг» улуғ князи, 1547 йилдан русларнинг биринчи подшоси, Василий III нинг ўғли. Давлатни бошқарув тизимига ўзгаришлар киритган, кўп соҳалар бўйича ислохатлар ўтказган. Умумдавлат, умумхалқ вакилларининг йиғинларини ташкил қилган (Земский сабор), суд органларини ислоҳ қилиш ишларини амалга оширган.

Қозон (1552) ва Астрахан (1556) хонликларини ўзига буйсиндирган. Давлатни марказлаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида махсус таянч кўшинни ташкил қилади. 1558-83 йиллари Ливан урушини бошқарган. Англия билан савдо алоқаларини ўрнатган. Москвада биринчи босмоxonани ишга туширган. 1581 йили Сибирни давлат таркибига қўшиб олиш харакатини бошлаган.

Иван IV Грознийнинг ички сиёсати оммавий қатағонликдан иборат эди. Деҳқонларнинг мутлако ҳуқуқи бўлмаи, уларни кулга айлантириш кучаяди.

Иван IV Васильевич Грозний 1584 йили 54 ёшида захм касаллигидан оламдан кўз юмади. Ҳаётини охирида қилмишига яраша захм (сифилис) касаллигининг азобу-уқубатларидан жон таслим қилади. 16 асрда бу касалликнинг давоси йўқ эди.

**АМИР САЙИД ОЛИМХОН.** Бухоро амири (1911-1921). Манғит ўзбеклари сулоласидан бўлмиш Амир Олимхон 1881 йили Карманада туғилган. Манғитлар сулоласининг еттинчи ва охирги саодатпаноҳ подшоларидан бўлган.

Амир Олимхон бошланғич таҳсилни тугатгач, уч ёшлигида харбий фанларидан таълим олиш мақсадида падари бузруквори Амир Сайид Абдулахадхон буйруғи билан Москвага боради. Ўн етти ёшга тўлган чоғидан отаси вафот этиб, салтанат тахтига ўтиргунига қадар Насаф вилоятига ҳукмронлик қилади. 1911 йили Бухоро тахтига ўтиради ва ўн йил подшолик қилади.

Подшолик даврининг дастлабки уч йили ичида Бухорода тартиб-интизом ва ободончилик ишлари йўлга қўйилади. Кўприк, мачит, мадраса, билимлар уйи, бозор ва йўллар қурилди. Билимлар уйидаги ўқувчилар, кийим-кечак, озиқ-овқат ва пул билан таъминланади.

Ўша даврда Бухоро амирлигининг майдони 225.000 км²кв. бўлиб, аҳолиси уч ярим миллион кишидан иборат эди. Мамлакат 28 бекликка

(туманга) бўлиниб, аҳолисининг асосий қисми ўзбек, туркман, қирғиз, козок, тожик, яхудий ва араблардан ташкил топган.

Бухоро тилло, кумуш, мис, темир, нефт, кўмир каби табиий қазилма бойликларга эга бўлиб, савдо-сотикда тери, жун, шойи, гиламлар - мамлакатнинг ташқарига чиқарадиган асосий молларини ташкил этган.

Бухоро мевалари дунёга машҳур эди. Бухоро отлари, хусусан, корабайир зоти 1914 йилги урушда яхшилигини исботлаган. Қўй, эчки, от, туя сурувлари кўп бўлган. Русия, Эрон, Афғонистон мамлакатлари билан савдо алоқаларини ўрнатган.

1920 йил 5 сентябрда Бухоро большевик аскарлар кўлига ўтади. Ота-боболари 1783 йилдан бошлаб салтанат сурган Амир Сайид Олимхон Бухорони ташлаб, энг яқин аёнлари билан Афғонистонга қочиб кетади.

1921 йили болшевикларнинг зулми авжига чиқиб, мамлакатда миллий - озодлиқ харакати юзага келади.

Иброҳимбек кўп шерюрак аскарлар тўплаб, Бухоро атрофида қизил аскарлар билан етти йил жанг қилди. Бухоро қисқа муддат муваффақат ҳукумат ҳам ташкил қилинган.

Амир Сайид Олимхон Ватанига қайтиш умидида умрининг охиригача Афғонистоннинг Қобул шаҳрида яшади.

130 йилга яқин салтанатни бошқариб келган ота-боболарини юртидан маҳрум бўлиши, мусофирликда кун кечирishi Амир Олимхоннинг асабига кучли салбий таъсир қилган эди. У юрак-томир хасталигидан 1944 йил 28 апрель куни 54 ёшида Қобул шаҳрида вафот этади.

Унинг жасади Қобул шаҳри теварагидаги «Ислом шоҳлари» қабристонида дафн этилади. Қабр устига мақбара ўрнатилган. Қабр тошига муҳожирлик сабаблари ёзилган.

## **ЮРИЙ АЛЕКСЕЕВИЧ ГАГАРИН.**

Йиллар давомида биз 12 апрелни «Космонавтика куни» сифатида нишонлаб келдик. Зеро, шу куни Юрий Алексеевич Гагарин илк бор

коинотни забт этиб, ерга эсон-омон қайтди. Аммо, ҳақиқатдан ҳам шундай эдими?

Кўп мамлакатлар, жумладан Совет Иттифоқи ҳам 1950 йилдан бошлаб коинотни забт этиш борасида тадқиқот ишлари олиб борди. Лекин барча уринишлар бирин-кетин муваффақиятсизликка учраган. 1957 йилда коинотга учирилган космонавт Ледовский кема носозлиги туфайли атмосфера қобиғидан чиқмасданок портлаб кетган. 1959 йили худи шундай қисмат космонавт Шегориннинг ўлимига ҳам сабаб бўлди. 1961 йилнинг бошида коинотга учган космонавт Грачёв Ерга қайтиб тушмаган. Ниҳоят, 1961 йил 12 апрелда коинотни забт этиш учун учирилган Владимир Илюшин Ой атрофини уч маротаба айланиб чиқиб, заминга тирик қайтади. Аммо, фазогир жиддий яраланган эди. Бутун дунёга эса соч толаси ҳам зарар кўрмаган «қахрамон»ни кўрсатиш зарур эди. Шу мақсадда, биринчи бор ерга тирик қайтган космонавт, қахрамон сифатида Юрий Гагаринни жаҳонга кўрсатишади. Хушфеъл, доимо кулиб юрувчи Гагарин академик Королёвнинг севимли шоғирди эди. Ўша пайти, ўта махфий бўлган ва 19 та учувчи-космонавтлардан тузилган гуруҳ ҳам қахрамонликка Гагарин номзодини кўрсатишади. Ёлғоннинг иси чиқмаслиги учун эса Владимир Илюшин ўлдирилади.

1968 йилга келиб, виждон азобида қийналган Гагарин қаттиқ ичкиликка берилади. Энди, ёши ўтиб бораётган полковник халқ қахрамонлигига ярамай қолади. Ўқув машғулоти пайтида уюштирилган авиаҳалокат эса, унинг ҳаётига нўқта қўйди.